

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

«Тасдиқлайман»

Иқтисодиёт ва бошқарув

факултети декани., доцент

_____ А.У.Астанов

«_____» _____ 2012 йил

5610100-“Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш” йўналиши бўйича

Битирув малакавий иши

**Мавзу: «Фермер хўжаликларида пахта етиштириш рентабеллиги таҳлили ва уни
амалга оширишда ахборот технологияларини қўллаш» (Сурхондарё
вилояти, Қизирик туман фермер хўжаликлари мисолида)**

.Бажарувчи:

“Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш”

бўлими, IV босқич талабаси

Ғаниев Фахриддин

Илмий раҳбар, доцент

М.Н.Рахимов

Битирув малакавий иш муҳокама

қилинди ва ҳимояга рухсат

берилди

Кафедра мудири, и.ф.н

_____ Х.Урдушев

«_____» _____ 2012 йил

Самарқанд – 2012 йил

Мундарижа

Кириш	3
1 боб. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи	8
1.1. Мавзунинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва долзарблиги	8
1.2. Мавзунинг илмий амалий моҳияти, мақсади, вазифаси ва адабиётлар шарҳи	10
2-боб. Туманнинг ишлаб чиқариши ва иқтисодий тавсифномаси	21
2.1. Қизириқ туманининг қисқача тавсифномаси	21
2.2. Ер ресурслари ҳамда улардан фойдаланиш	25
2.3. Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари	32
2.4. Фермер хўжалигида меҳнат ресурслари	36
3 боб. Пахтачиликда рентабелликнинг ҳозирги ҳолати таҳлили	42
3.1. Рентабеллик тушунчаси, турлари, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.	42
3.2. Пахтачиликда рентабелликнинг ҳозирги ҳолати таҳлили	49
3.3. Пахтачиликда рентабелликнинг омилли таҳлили	53
4-боб. Пахтачиликда рентабелликни ошириш имкониятлари	60
4.1. Пахтачиликда маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларидан фойдаланиш	60
4.2. Пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари	65
4.3. Пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш имкониятлари.	69
5-боб. Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари	77
5.1. Иқтисодий ахборот тушунчаси	77
5.2. Бошқарувда фойдаланиладиган ахборотнинг ўзига хослиги	79
5.3. Ахборот технологияси ҳақида тушунча ва иқтисодий ахборотларга ишлов бериш тартиблари	81
6-боб. Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш.	86
Хулоса ва таклифлар	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	92

Кириш

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида пахтачиликнинг ўрни бекиёс. Давлат хазинасига пахта толасини сотишдан тушадиган валюта миқдорини янада оширишда жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош пахта хом ашёси етиштириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин Президентимиз томонидан ғўза селекцияси ва уруғчилигига алоҳида эътибор берилиб, мазкур соҳа мутахассислари олдида 110-120 кунда пишадиган-эртапишар, тола чиқими 38-40 фоизли ва узунлиги 33-34 миллиметрли бўлган ҳамда толаси тўртинчи типга мансуб дунё бозори талабларига жавоб берадиган навларни яратиш ва амалиётга тўлиқ жорий этиш вазифалари қўйилган. Ушбу қўйилган вазифаларни бажара бориб ғўза селекцияси ва уруғчилигида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Англиянинг “Коттон Оутлук” журналида эътироф этилганидек: “Ўзбекистон пахта етиштириш технологиясининг икки йўналишида, яъни кўсак куртини кенг қамровли биологик назорат қилиш ва эртапишар навлар селекцияси дастури бўйича дунёда пешқадам”дир. Ўзбекистон жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош пахта хом-ашёси етиштиришда дунёда олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринни эгаллаши бунинг ёрқин далилидир.

Селекциячи олимлар ўз ишларини узлуксиз давом эттириши, натижасида 1990 йилда А. Баталов томонидан Ливерпул ҳалқаро бозорида эталон нав сифатида қабул қилинган ўрта толали, толаси оқ, IV-тип талабларига тўлиқ жавоб берадиган, турли экстремал шароитларга чидамли Бухоро-6 ғўза нави яратилди.

2010 йилда 1315,6 минг.га майдонда ғўза навларидан эртаги юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришни таъминлаш мақсадида навларнинг биологик хусусияти, тупроқ-иқлим шароитларини ва бозор талабини инобатга олиниб оқилона жойлаштирилиб, парваришланиб, 3,4 млн. тонна пахта хомашёси етиштирилди.

Давлат нав синаш шохобчаларида янги яратилган 26 та ғўза нави синовдан ўтмоқда. 2006-2008 йилларда Давлат нав синовининг грунт назоратига 9 та янги нав тақдим этилди. Давлат нав синовида синалаётган ғўза навлари мавжуд навлардан тезпишарлиги, тола чиқими, узунлиги, курғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ва ҳосилдорлиги ва бошқа қимматли хўжалик белгилари билан устун бўлиб, узоқ йиллардан бери экилиб келинаётган ва наводорлиги талаб даражасидан пасайган С-4727, АН-Боявут-2, Окдарё-6, Омад, Термиз-31 ғўза навлари ўрнида экилиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008 йилда бошланган глобал молиявий иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир этмоқда. Бугун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг барча мамлакатлари иқтисодига у ёки бу даражада таъсирини ўтказди. Аксарият давлатлар ёрдам сўраб халқаро жамоатчиликка мурожаат қилди.

Шу маънода Ўзбекистоннинг тажрибаси диққатга сазовордир. Мамлакатимизда Ислом Каримов раҳбарлигида жаҳон инқирози оқибатларини камайтириш, унга қарши чоралар кўришнинг ноёб дастури ишлаб чиқилди. Бу борада амалга оширилган ишларнинг самараси ўлароқ, ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3% дан ошганлиги қайд этилди. Бошқа кўплаб мамлакатларда бунинг акси кузатилганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва янги иш ўринларини очиш давом этмоқда. 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини муваффақиятли енгиб ўтпти. Бу муваффақиятларни белгиловчи иккита муҳим омил бор: биринчидан давлатимиз халқаро молия институтларидан турли заёмлар олишга интилмади. Бу эса ўз навбатида дунё иқтисодиётини титратган

инқироз таъсиридан сақланиш имконини берди. Иккинчи омил, чуқур ўйланган инқирозга қарши дастурнинг муваффақиятли амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш билан боғлиқ.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига қараганда, инқироз бошлангунча қадар жаҳонда қарийб 35 миллион нафар ишсиз ҳисобга олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 240 миллион нафарни ташкил этди. Инқироз туфайли кўпчилик мамлакатлар иқтисодиётидаги пасайишга қарамай, Республикамизда 2012 йилда 967 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши, уларнинг 600 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг улкан ресурс ва экспорт базасига эга ва етакчи тармоғи бўлган қайта ишлаш саноати учун муҳим манба ҳисобланадиган пахтачиликни ривожлантириш ва ислоҳ қилишга доимий этибор қаратилмоқда.

Ҳар бир замонавий ишлаб чиқариш корхонасида энг юқори фойда олишга интилиб, чегараланган ишлаб чиқариш ресурсларидан оптимал фойдаланиш йўллари қидириб топилмоқда. Натижада эса ишлаб чиқаришга сарфланаётган харажатлар миқдори камайиш эвазига, соф фойда миқдори ошиб бормоқда.

Маълумки, ҳозирги вақтда фермер, фермер ва деҳқон хўжаликларига ишлаб чиқариш фаолиятида янада кенг эркинлик берилмоқда, бир вақтнинг ўзида ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва шартнома шартларини бажаришда томонларнинг жавобгарлиги ва маъсулияти оширилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, республика агросаноат тизимларининг деҳқончилик тармогини самарали ривожланишини таъминлайдиган ва у билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтирадиган ишлаб чиқариш механизминини ҳаракатга келтириш, барча турдаги ресурслардан тежамли фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш ва умуман тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Юқоридаги бу фикр ва мулоҳазалар Сурхондарё вилоятининг Қизирик тумани фермерларига ҳам тегишлидир.

Шу билан бирга, сўнги йилларда такрорланаётган сув танқислиги пахта етиштириш учун ғоят мураккаб муаммоларни юзага келтирмоқда ва унинг ҳосилдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Пахтакорларимиз кейинги икки йилда, айниқса, жорий йилда ушбу муаммонинг нечоғлик ўткирлигини ўз фаолиятларида кескин ҳис қилдилар. Бу йил суғориладиган ерларнинг сув билан ўртача таминланиш даражаси белгилланган нормадан паст. Таъкидлаш жоизки, сув танқислиги пахта етиштиришга салбий таъсир кўрсатади ва Республиканинг деярли барча вилоят ва туманларида қўшимча кийинчиликларни келтириб чиқарди.

Юзага келган вазиятда экин майдонларида фойдаланишни янада оптималлаштириш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада, ҳозирги замон компьютер технологияларидан, иқтисодий математик метод ва моделлардан кенг фойдаланиш зарурияти пайдо бўлди.

Айни вақтда пахта экиладиган майдонларни оптималлаштириш бўйича амалга ошириладиган чора тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозимлигини аниқ -равшан англаб олиш зарур. Жаҳон бозорига пахтага, авваламбор, турли тўқимачилиқ ип газлама маҳсулотлари, кийим – кечак ва бошқа тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган пахта хом-ашёсига талаб доимо юқори бўлиб келган ва келгусида ҳам шундай бўлишини назарда тутиш даркор. Бундай муаммоларни ҳал этиш йўллари аниқлаш ва ўрганиш пайти етиб келди.

Охирги пайтларда инсон фаолиятининг барча соҳаларига, жумладан, иқтисодий жараёнларни бошқариш соҳасига ҳам шахсий компьютерлар босқичма – босқич кириб келди. Ҳозирги пайтга келиб, компьютерлаштириш ўзининг янги поғонасига кўтарилиб, кейинги ўн йилликда шахсий компьютерлар ва универсал ЭҲМлар базасида ахборот тизимларини яратиш ва тадбиқ қилиш фаол амалга

оширилмоқда. Бу тизимларни яратишда асосий эътибор кенг қамровли ва тақсимланган тармоқларни (шаҳобчаларни) ривожлантиришга қаратилмоқда, чунки бу шаҳобчаларни ривожлантирмасдан туриб ахборотлаштиришнинг замонавий масалаларини ҳал қилиш мумкин эмас. Бундай шароитда ЭҲМ ва бошқа техник воситалар ахборотларни жамлаш, узатиш, сақлаш, уларга ишлов бериш усуллари ва услубларини ўрганиш билан шуғулланувчи илмий – амалий фан бўлган информатика учун ахборотларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва турли тадбиқий ишларда ахборот технологияларини яратиш учун информатика усулларида амалий фойдаланишнинг янги ҳамда жуда кенг имкониятлари очилди.

Ахборот технологиясининг вужудга келган дастлабки йиллардан бошлаб, улардан турли хил иқтисодий объектларнинг (корхона, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқарувчи соҳаларнинг) ахборот тизимларида фойдаланиш билан бу технологиянинг орасида бевосита алоқа мавжуд бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга ахборот технологияси ҳам маълумотларга ишлов беришнинг мустақил тизими сифатида, ҳамда бошқа бир қанча катта тизимлар доирасида бошқариш жараёнларини таъминловчи функционал компонентлар сифатида жорий этилди.

1 боб. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи

1.1. Мавзунинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва долзарблиги

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохатлар кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган. Бундай шароитда иқтисодиётни замонавий технологик ва инновацион тараққиётсиз, асосий ишлаб чиқариш фондларини техник ҳамда технологик жиҳатдан қуроллантирмасдан, маҳсулот рақобатбардошлигини таъминламасдан амалга ошириб бўлмайди.

Янги асрда ресурсларни тежаш ғояси алоҳида долзарблик касб этади. Сабаби ҳозирданок иқтисодий нобарқарорликка олиб келувчи қайта тикланмайдиган ресурсларнинг таннарни ошиб, етишмовчиликлар кузатилмоқда. Лекин шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирги шароитда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида табиий ресурслар асосий ўринни эгалламайди. Иқтисодиётнинг бундай ўзига хосликлари табиий ресурсларнинг чекланганлиги ёки инновацион технологияларни ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий сиёсат орқали амалга оширилиши билан белгиланади. Барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланмасдан ва шунга мос иқтисодий инфратузилмасиз иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, айрим фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигининг паст даражадалиги бошқариш тизимининг ички сиёсати билан боғлиқ бўлиб, ҳалигача бозор талабларига мос ҳолда хўжалик юритиш ва бошқариш усуллари шаклланмаган.

Шундай экан, ҳозирги иқтисодий глобаллашув шароитида ишлаб чиқаришни ва меҳнатни илм асосида ташкил этиш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда мавжуд экин майдонларидан унумли фойдаланиш ва шунга мос равишда юқори рентабелликка эришишнинг илмий асосларини такомиллаштириш

зарур.Юқори рентабелликга эришиш учун маҳсулот таннаرخини камайитириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Инқироздан кейинги даврда иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ вазифаларнинг амалга оширилиши айнан мамлакатни ислоҳ қилишнинг миллий моделидан келиб чиқувчи асосий тамойилларда намоён бўлади. Яъни бу таркибий ўзгаришлар дастурлари ижросини таъминлаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, экспортда юқори технологияга асосланган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш улушини кўпайитириш кабилар, шулар жумласидандир. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг тез ва барқарор ўсиши танланган йўлнинг нақадар самарали ва ҳаётийлигини кўрсатди. Амалга оширилаётган тизимли чоралар мамлакатга глобал иқтисодий инқироз оқибатларини енгиб ўтиш, иқтисодиётнинг реал секторида тезкор ва изчил ўсишни таъминлашга хизмат қиляпти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса ривожланиш жараёнларининг барқарорлигини таъминлашдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз аграр соҳасидаги иқтисодий ислохатларнинг пировард мақсади деҳқоннинг ерга, мулкка ва меҳнатга бўлган муносабатини тупдан ўзгартириш асосида қишлоқда мулкдорлар қатламини ҳосил қилишдир.

Сўнгги йилларда такрорланаётган сув танқислиги пахта етиштириш учун ғоят мураккаб муоммаларни юзага келтирмоқда ва унинг ҳосилдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу йил суғориладиган ерларнинг сув билан ўртача таъминланиш даражаси белгиланган норманинг атиги 75 фоизини ташқил этди.

Айни вақтда пахта эқиладаган майдонларни оптималлаштириш бўйича амалга ошириладиган чора тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозимлигини аниқ равшан англаб олиш зарур. Жахон бозорида пахтага, авволамбор, турли тўқимачилиқ ип-газлама маҳсулотлари, кийим –кечак ва бошқа тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган пахта хом –ашёсига талаб

дойим талаб ортиб бормокда. Шу сабабли, ушбу малакавий битирув ишимизни асосий мақсади қилиб Қизирик туманидаги фермер хўжаликлар мисолида ахборот технологиялардан кенг қўламда фойдаланган ҳолда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва унинг рентабеллигини ошириш мақсадида унинг бугунги кундаги аҳволини таҳлил қилиш асосида, келгусида уни янада ошириш йўллари топиш ва фермер хўжалигида фойдаланиш йўллари аниқлашдан иборат деб ҳисобладик.

Малакавий битирув ишининг объекти сифатида Сурхондарё вилояти, Қизирик тумани фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли “Тоғайқўл ноз-неъматлари” фермер хўжалиги олинди. Фермер хўжаликларида пахта хом-ашёси, буғдой ва бошқа экин турларинининг экин майдонларини оптимал таркибини аниқлаш мақсадида ҳозирги замон ЭҲМ лари ва иқтисодий математик моделларни қўллаш мақсадида биз ушбу мавзунини танладик.

1.2. Мавзунинг илмий амалий моҳияти, мақсади, вазифаси ва адабиётлар шарҳи

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш да айниқса пахта, ғалла ва бошқа экин турларининг таннарҳи кўтарилмокда. Пахта етиштиришда пахта хом-ашёсини давлат харид баҳолари пахта хом-ашёси баҳоларига нисбатан тез ўсиб келаётгани сабаб бўлмокда. Шу асосда минирал ўғит, ёнилғи мойлаш материаллари, техника ҳамда бошқа хизматларнинг пахта етиштириш харажатларидаги улуши кескин ошиб бормокда. Шу боис пахтачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб – қувватлашга алоҳида эътибор берилмокда.

Иқтисодий таҳлилни олиб боришда хўжалик жараёнлари биргаликда, ўзаро боғланган ҳолда ва ўзаро муносабатлари келишилган ҳолда ўрганилади. Иқтисодиётдаги ўзаро боғланишлар, бир-биридан келиб чиқишлар ва биргаликдаги муносабатлар ҳамда уларни миқдорий баҳолаш таҳлилнинг энг аҳамиятли масалалари ҳисобланади.

Пахтачилик қишлоқ – хўжалигидаги энг сермехнат ва иш ҳақи кўп сарфланадиган тармоқ ҳисобланади. Асосий юмушлар қўл ёрдамида амалга ошириладиган меҳнатнинг кўплиги эвазига ҳам маҳсулот таннархи кўтарилмоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига пахта таннархини пасайтириш ўта долзарб масала ҳисобланади. Пахтачиликда яганалаш, бегона ўтларни йукотиш, қатор ораларини юмшатиш, суғориш каби юмушлар асосан қўл кучи ёрдамида бажарилади. Ушбу тадбирларнинг аксарияти пахтачилик ривожланган мамлакатларда механизация зиммасига юклатилган. Пировардида, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилмоқда. Шу жиҳатдан пахта хом ашёси таннархини пасайтириш чора – тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.Шунинг билан биргаликда мавжуд экин майдонларини мақбул таркибини аниқлаш асосида энг кам харажат қилиш асосида юқори фойда олиш имконияти пайдо бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб,малакавий битирув ишининг мавзуси долзарблиги ва у бугунги кунда уз ечимини кутаётган масалалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Битирув малакавий ишнинг асосий **мақсади** қилиб фермер хўжалигида пахта етиштиришда ва унинг рентабеллигини ошириш имкониятини таъминловчи иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни ҳисоблаш ва бошқаришда иқтисодий математик усуллар ва ЭҲМ лардан фойдаланиб аниқлаш яъни ахборот технологияларини қўллаш асосида ҳисоблашларни амалга ошириш дан иборат.

Туман ва фермер хўжалиги бўйича пахта хом-ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ,мазкур битирув малакавий иши олдида қуйидаги **асосий вазифалар** қўйилган:

- Фермер хўжалиги бўйича пахта етиштиришдаги бугунги мавжуд ҳолатни ўрганиш.

- Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилишда ахборот технологиялардан фойдаланиш
- Пахта таннархи таркиби ва пасайтириш йўллари аниқлашни ўрганиш.
- Пахта етиштиришнинг рентабеллигини аниқлаш ва уни таҳлил қилишда ахборот технологияларни қўллаш.
- Рентабелликга ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини миқдорий баҳолаш.
- Ишлаб чиқариш жараёнларини иқтисодий таҳлил қилишда ахборот технологияларни қўллашдан иборат.

Мазкур битирув ишини бажаришда Республика Президенти фармонлари, қарорлари, асарлари, маърузалари, фермер хўжаликлари бўйича Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъерий ҳужжатлар, иқтисодчи олимларнинг дарслиқ монография, мақолалар, услубий қўлланмалар, меъерий ҳужжатлар ва ўқиш давомида олинган назарий ҳамда амалий билимларга асосланган ҳолда ёзишга ҳаракат қилдик.

Улар тўғрисида қисқача тухталиб утаммиз.

- 1) Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири). 2004 йил 26 август. Бу қонун билан қишлоқ хўжалигидаги ислохатлар иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўғини деб эътироф этилди, янги хўжалик механизми-фермер хўжаликлари ташкил этиш ва фаолият юритишнинг асосий қоидалари яратилди.
- 2) Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи. Т "Ўзбекистон". 1998 й. Бу асарда Президент И.А.Каримовнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х-сесиясида сўзлаган нутқи келтирилган. Бу нутқда Республика қишлоқ хўжалигини ҳозирги вақтдаги долзарб муаммолари ва уларни ечиш йўллари ҳақида сўз боради.

Бу китобда "Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг серҳаражат механизми ҳамон ҳукумронлик қилмоқда. Бу ишлаб чиқаришда маҳсулот таннархида номуносибликни келтириб чиқараётир. Моддий

харажатларнинг ишлаб чиқариш натижаларида хаддан ташқари катта бўлишига олиб келмоқда"-деб айтилган.

3) Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ.

4) «2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Zarafshon, 2012 йил 21 январь.

5) Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Qishloq hayoti, 2011 йил 8 декабрь.

6) Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т: Ўзбекистон, 2009. Президентимиз томонидан асарда кенг эътибор қаратилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва салбий таъсири оқибатлари, Ўзбекистонда инқироз таъсири оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, устувор йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида талабаларга билим бериш мақсадида асосий масалалар атрофлича ёритиб берилган.

7) Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида/–Т.: «Ўзбекистон», 2011. Ушбу асар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1989-1991 йиллар оралиғида қилган маъруза ва нутқлари

асосида тайёрланган бўлиб, унда Юртбошимизнинг ўша машъум йилларда сиёсий-ғоявий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий-мафкуравий соҳаларда, шу билан бирга ўзбек халқининг асрий орзуси бўлмиш давлат мустақиллигини қўлга киритиш йўлида амалга оширган матонатли меҳнати, мохирона сиёсати, фидокорона кураши билан боғлиқ тафсилотлар ўрин олган.

Шунингдек, асарда фактик материаллар асосида мамлакатимизнинг хуррият оstonасида турган кезларида собиқ шўроларнинг халқимизга нисбатан амалга оширган қабих ва разил ниятлари, мамлакат раҳбарига нисбатан уюштирган фитна-бўхтонлари ва шундай таҳликали вазиятда юртимизнинг истиқлолга эришгани тўғрисидаги воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Биз ҳам ўз битирув малакавий ишимизда ушбу асардан дастур сифатида фойдаландик.

8) Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Тошкент. «Истиқлол». 2004. Таниқли иқтисодчи олим, проф. Ф.Жўраев томонидан бу дарсликда қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатларини бозор тизими асосида шакллантиришнинг долзарб масалалари, турли хил шаклидаги корхоналарни ташкилий-хўжалик асослари, хусусан фермер хўжаликларини янги концепция асосида шакллантириш ва ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари баён қилинган.

9) Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Тошкент. 2005. Бу дарслик 33 та бобдан ташкил топган. Жумладан дарсликнинг 10 боби қуйидагича номланади: «Ер-сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш». Дарсликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иккинчи хусусияти ҳақида сўз юритилиб қўйидагилар таъкидланади «бу тармоқда бош ишлаб чиқариш воситаси ер ресурслари ҳисобланади. Меҳнат жараёни ва маҳсулот ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигида бевосита ер билан, унинг сифати, ундан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ. Биз малакавий битирув

ишини ёзишда «Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг умумий масаллари» номли бобида ёритилган «Иқтисодий самарадорлик тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари ва мезони», «Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари», «Иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари» мавзуларидан, шунингдек «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги ва уни ошириш имкониятлари» деб номланадиган 20-бобнинг «Рентабеллик тушунчаси, кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисоблаш усуллари» ва «Рентабелликни ошириш омилларидан оқилона фойдаланиш» мавзуларда ёритилган услублардан фойдаландик.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасида нисбат билан ифодаланилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамалакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ

10) Олимжонов О. ва бошқ. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Тошкент. «Университет» 2005. Бу фермер хўжаликлари раҳбарларига мўлжалланган. У қўйидаги 4 та боблардан ташкил топган: «Фермер хўжалигида фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари», «Фермер хўжаликлари фаолияти қонун ҳимоясида», «Фермер хўжалиги фаолиятини ташкил қилиш», «Фермер хўжалигида шартномавий муносабатлар». Жумладан шу китобга сўз боши ёзган ЎЗР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жўраевнинг фикрини келтирамиз: «... Ислохатларнинг учинчи босқичи 2000 йилдан бошланди. ... Бу босқичда фермер хўжаликларини, биринчи навбатда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни фермер хўжаликларига айлантириш асосида қайта ташкил этиш механизми жорий этилиши баён қиланган.

11) Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. Тошкент. 2001. Қўлланмада бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида корхонада иқтисодий таҳлилни

такомиллаштириш, унда қўлланиладиган усуллар, корхона иқтисодий ва молиявий салоҳияти, меҳнат салоҳияти, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлик, молиявий барқарорлик каби муҳим иқтисодий категорияларни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг тизими, тавсифи, назарий ва амалий жихатдан очиб берилган.

12) Қудратов Т.Қ. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили. Ўқув қўлланма.- Самарқанд, 2008.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада самарали ривожлантириш учун уларнинг фаолиятини барча томонларида содир бўлган ва бўлаётган жараёнлар ва уларнинг натижаларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш натижасида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича йўл-йўриқларни кўрсатиш зарур. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ниҳоятда каттадир.

Ушбу қўлланма 13-бобдан иборат бўлиб, унинг 8-боби бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархининг таҳлилига бағишланади. Бу бобда таҳлилнинг аҳамияти, мақсади, вазифалари, ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш, ҳисоблаш тартиби аниқ мисоллар билан ёритилган. Бундан ташқари ушбу бобда таннархни харажат моддалари бўйича омилли таҳлил қилиш усуллари ва йўллари батафсил баён қилинган. Хўжалик юритувчи ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасининг фаолиятини чуқур таҳлил қилиш орқали

Умуман олганимизда, ушбу ўқув қўлланмада қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятини қамраб олувчи барча кўрсаткичларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва таҳлил асосида тегишли хулоса ва таклифлар бериш тўла ёритилган бўлиб, булардан битирув иши ёзишда кенг фойдаланилди.

13) Урдушев Х., Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. Самарқанд. 2006. Бу ўқув қўлланмада экин майдонларини оптимал таркибини аниқлаш, чорва молларига оптимал озуқа

рационали тузиш, минерал ўғитларни оптимал тақсимлаш, транспорт масаласи каби оптималлаштиришнинг назарий тушунчалари ёритилган. Назарий ва амалий тушунчалар аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Олинган оптимал ечимлар таҳлил килинган. Асосий тушунчалар аниқ ва умумий талаблар асосида еритиб берилган.

14) Гатаулин ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни режалаштиришда математик усуллар. Бу дарсликда қишлоқ хўжалигини режалаштиришда иқтисодий-математик моделлаштириш усуллари нazorat ва амалий масалалари: масаланинг қўшилиши; бошланғич маълумотларни тайёрлаш; иқтисодий-математик моделни тузиш; масалани ЭХМда ечилиши ва унинг таҳлил кўринишида берилган.

15) Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма. Академик С.С. Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2004. -320 б.

Мазкур ўқув қўлланмада ахборот тизимлари ва технологияларини миллий иқтисодда қўллаш асослари, жумладан, тизимнинг умумий тушунчалари, ахборот ва маълумотлар, ахборот технологиялари, автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва уларни бошқарувда қўллаш, ахборот хизматларининг замонавий турлари келтирилган.

16) Нурходжаев А.Қ., Шожалилов Ш.Ш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2010 й. 116 бет.

Ушбу ўқув қўлланма ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича ижтимоий-гуманитар ва иқтисодиёт йўналишидаги Олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, шу йўналишдаги Давлат дастури асосида тайёрланган.

Қўлланмада ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий мёрий асослари, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги назарияси, меҳнат муҳофазаси, ишлаб-чиқариш санитарияси ва гигиенаси, атроф табиий муҳит ва хавфсизлик масалалари, табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларда муҳофаза

тадбирлари, терроризм ва унинг оқибатлари, аҳоли саломатлиги ва хавфсизлигига доир масалалар кўрилган.

17) Алиқулов А.И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулот таннархини пасайтириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент ,2009.-№11.-Б. 31-32.

Халқаро иқтисодий интеграция шароитида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги роли ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Инқирозга қарши чоралар дастури асосида тозалаш саноати корхоналари маҳсулотлари сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чоратadbирлар оширилмоқда. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим.

Ушбу мақолада мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида муаллиф қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Самарқанд вилояти тозалаш саноати корхоналарида маҳсулот таннархини 20%га камайтиришни баён қилган. Ҳозирги кунда корхоналар олдида турган муҳим вазифалардан бири маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархини камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

18) Алиқулов А.И. Пахта таннархи // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги .- Тошкент, 2009 .-№ 12.-Б. 25 .

Муаллифни қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш усуллари, калькуляциялаш тўғрисида фикр юритган. Режалаштириш ва ҳисобга олиш усулига кўра калькуляциялаш объекти асосий маҳсулот толаси ҳисобланади, унга қўшимча маҳсулотларни ишлаб

чиқариш билан боғлиқ барча харажатлар киритилади. Қўшимча маҳсулотларнинг таннархи ҳисобланмайди, балки унинг сотиш қийматидаги баҳоси бўйича асосий маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашёнинг қийматидан айириб ташланади. Калькуляциялаш бирлиги бўлиб селекция ва саноат навларига тўғри келадиган тойланган бир тонна тола микдори ҳисобланади. Тола калькуляциясини тузишда режалаштирилаётган йил бошидаги хом ашёси таннархининг режадаги калькуляциясини ҳамда ишлаб чиқариш сметасини тузишга асосланган бўлади. толаси калькуляциясида хом ашё қиймати ва шу микдордаги хом ашёсига тўғри келувчи транспорт харажатларига ажратилади. хом ашёси умумий тайёрлов харажатларидан режадаги улгуржи нархлардаги қўшимча маҳсулотлар қиймати чегириб ташланади. Ушбу сўммага ишлов бериш харажатлари сўммасини қўшиб, толаси таннархи аниқланади.

19) Аралов Х. Деҳқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2010.- № 2.-Б. 27-28

Муаллиф аҳоли ва унинг ижтимоий гуруҳларининг ялпи харажатлари – бу турли хўжалик субъектларидан товар ва хизматларни сотиб олиш харажатлари сўммаси, молия кредит тизимларига тўловлар, шахсий ёрдамчи хўжалик маҳсулотларидан истеъмол ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилганликлари ва кўрилган зарарлар, қарзларни ёпиш, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун тўланган тўловларда ифодаланади деб таъриф беради. Ялпи харажатлар, унинг таркиби ва динамикаси – бу иқтисодий ривожланиш даражасини, аҳоли турмуш даражасини ифода этувчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Ялпи харажатларнинг ўрни белгилаб берувчи муҳим кўрсаткичлардан бири – бу унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳиссаси ҳисобланади, деб фикр юритади. Шунингдек, муаллиф таннархни пасайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни

рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблайди.

20) Интернет. Иқтисодий ахборот ресурслари

<http://map.uz/> Портал карт областей и крупных городов Республики Узбекистон. Интернетдаги бу порталда УзР вилоятлари бўйича шаҳарлар, туманлар ва улардаги умумий ер майдонлари, деҳқончилик қилинадиган майдонлар, суғориладиган майдонлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Бундан ташқари пахтачилик рентабеллигига боғлиқ бўлган материаллар [] адабиётларда келтирилган.

2-боб. Туманнинг ишлаб чиқариши ва иқтисодий тавсифномаси

2.1.Қизириқ туманининг қисқача тавсифномаси

Қизириқ тумани 1975 йилнинг 6 мартда ташкил топган бўлиб, Бандихон, Жарқўрғон, Ангор ва Шеробод туманлари билан чегарадош. Маъмурий Маркази – Сарик шаҳри. Туманнинг умумий майдони 0,39 минг кв.км.

2010 йилда ҳудудий бюджет ҳажми 19,4 млрд. сўмни ташкил этди. Туман дотация ҳисобида бўлиб, дотация салмоғи 31,0 %.Газ билан таъминланиш даражаси 63,5 фоизни, сув билан таъминланиш даражаси 77,5 фоизни ташкил этмоқда.Аҳоли пунктлари сони ва аҳоли структураси қуйидагича:

Туман ҳудудида 5 та шаҳарча, 5 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 31 та маҳаллалар, 42 та аҳоли пунктлари мавжуд. Аҳолиси – 91,6 минг киши, шундан қишлоқ аҳолиси 68,0 минг кишини ташкил этмоқда.

Миллий таркиби: ўзбеклар -90.3 %, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилади.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони – 1618 (ш.ж. 285 таси фермер хўжаликлари)

Саноат корхоналари ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми қуйидагича:

Туманда 1 та йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатади.

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми – 31,9 млрд.сўм, 2009 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати – 113,5 %.

- ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти – 87,1 млрд.сўм, 2009 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати – 97,1 %.

- ташқи савдо айланмаси – 17,7 млн. АҚШ доллари, 2009 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати – 186,6 %.

Ўқув юртлари ва соғлиқни сақлаш объектлари.

Умумтаълим мактаблари – 48 та (15,7 минг ўқувчи), касб-хунар коллежлари – 6 та (6,0 минг ўқувчи), шифохоналар – 1 та (0.3 минг ўрин), кишлоқ врачлик пунктлари – 15 та.

Январнинг ўртача температураси-1.9 градус минимали -26 градус.Июлники 27.2 максимал температура +44 градус Йиллик ёғин 328 мм. Ёғин асосан қишда ва баҳорда ёғади Хўжалик территорияси орқали Тошкент –Бухоро ва бошқа йўналишлар бўйича асосий авто магистраллар ўтади.

Президент Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисдаги маърузаси (“Халқ сўзи” газетаси 20 январ 2012 йил) да биз бугун 2011 йил яқунларини баҳолаётган эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ушш суръатлари макроиқтисодиёт муносиблиги сақланиб қолаётганлигини қайд этиши зарур деб таъкидлади. Агар 10 йил олдин 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотда саноатнинг ҳиссаси атиги 14.2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йил бу кўрсаткич 24,1фоизга етганини яққол кўриш мумкин.Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик 12,2 фоизни,кимё ва нефть-кимё саноати фоиз, озиқовқат саноати13,1 фоиз,курулиш материаллари саноати11,9 фоиз,формацевтика ва мебелсозлик 18 фоиз 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.Мамлакатимизда 2011 йилда қишлоқ хўжалигида улкан ютуқларга эришилди.2011 йилда 6 миллион800 минг тонна ғалла,3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта,8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз экинлари етиштирилди.

Бундай иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар амалга ошаётган бир пайтда Қизирик туманидаги иқтисодий ҳолатлар ҳам ўз навбатида олдинга қараб ўзгармоқда.

Об-хавонинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қўлайлигини ҳисобга оладиган бўлсақ пахтадан ташкари бошқа қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари яъни кунгабокар,сабзавот,памидор ва бошқа экин турларини ҳам етиштириш имкониятлари мавжуд.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ислохотларни кенг амалга ошириб бориб, режаларни мунтазам бажармай сурункали равишда зарар билан чиқаётган ширкат хўжаликлари тугатилиб ўрнига фермер хўжаликлари тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 476-сонли қарорига мувофиқ тумандаги барча ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилди.Бу фермер хўжаликлари учун инфратузилма объектлари ташкил этишга алоҳида эътибор берилди..Шундай фермер хўжаликларидан бири Кизирик туманининг собиқ «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги негизида 2002 йилда «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ташкил этилди.

Фермер хўжалигида (ФХ) асосан ғалла,пахта экиш йулга қуйилган.

Ташкил этилган «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ўзининг фаолият қилган даврида давлат шартномаларини ўз вақтида ортиғи билан мунтазам бажариб келмоқда.

Ажратилган ер майдонлари аҳоли яшайдиган, қишлоқдан энг кўпи билан (ернинг энг чекка қисмлари) 4-5 км ни ташкил этади. Аҳоли яшайдиган қишлоқ туман марказидан 8 км ни ва вилоят марказидан эса 45 км узоқликда жойлашган. Фермер хўжалигининг раиси Равшанов Уринбой.Ўз соҳасининг етук мутахасиси.

Фермер хўжалигининг тупроғи асосан қорамтир, баъзи қисмлари бўз тупроқдан иборат. Шўрланиш даражаси паст. Ернинг асосий қисми суғориладиган ер майдонларига тўғри келади. Фермер хўжалигида етиштирилган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Гулистон пахта тозалаш заводига ва туман ғалла элеваторига олиб боради. Масофа узоқроқ булгани учун транспорт харажатларининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Иклими мутадил. Термиз шахридан 45-50 км узокликда булганлигидан унинг харорати ёгингарчилик микдори шаҳарникидан кўпрок булади.Доимий равишда шамол эсиб туради.

Об-хавонинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун қулайлигини ҳисобга оладиган бўлсак, пахта, ғалладан ташқари бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам етиштириш имкониятига эга. Бу ерда сабзаватчиликни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд.

Фермер хўжалиги жойлашган қишлоқда мактаб, амбулатория, мактаб стадиони, кичик хусусий магазинлар, сарторошхона,этикдуз ва гушт сотадиган кассобхона мавжуд.

Куйида биз 1-жадвал орқали фермер хўжалигининг айрим ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қараб чиқамиз.

1-Жадвал

Фермер хўжалиги бўйича 2009-2011 йиллар бўйича экин майдонлари таркиби

Кўрсаткичлар	2009 й		2010 й		2011 й		2011 йил 200 йилга нисбатан	
	Экин майдони, га	Жамига нисбатан, %	Экин майдони, га	Жамига нисбатан, %	Экин майдони, га	Жамига нисбатан, %	фарқи (+,-)	%
Ғалла	32	40,3	35,0	37,0	35,0	37,0	3,0	109,4
Пахта	38,4	48,4	50,7	53,5	50,7	53,5	12,3	132,0
Сабзавот	2	2,5	2	2,1	2,0	2,1	0,0	100,0
Картошка	3	3,8	3	3,2	3,0	3,2	0,0	100,0
узум	4	5,0	4	4,2	4,0	4,2	0,0	100,0
Жами	79,4	100	94,7	100,0	94,7	100,0	15,3	119,3

2010-йилда эса ғалла 35 га ёки 37% ни ташқил этган. Пахта экин майдони эса 2010 йилда 50,7 га ёки 53,5 % ни ташқил этган. 2011 йил 2009 йилга нисбатан ғалла экин майдонлари 3 га ёки 109,4% га ошган. Пахта эса 12,3 га ёки 132 % га ортган.

-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики 2009 – йилда фермер хўжаликда асосий тармоқ пахта бўлиб жами ер майдони 79,4 га нинг 38,4 га ёки 48,4% ни, ғалла 40,3 га ёки 35 % ни ташқил этган.

1 -жадвал маълумотларини таҳлили шуни кўрсатадики, деҳқончиликни янада ривожлантириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа сердаромад турларини экишни ҳам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ишларни олиб бориш лозимлиги Республика Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида батафсил кўрсатилган. Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайганини ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожлантиришга унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда

2.2. Ер ресурслари ҳамда улардан фойдаланиш.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар мухтарам Президентимиз И.Каримов томонидан белгилаб берилган беш тамойил асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, қишлоқда аҳоли учун қулай ва замонвий шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қаралди. Ўтган вақт ичида иқтисодий ислохотлар асосан қуйидаги йўналишларда амалга оширилди.

“Ер ислохоти” бўйича:

· 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалигида ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шакли жорий этилди;

· ер участкалари 30 йилдан 50 йилгача ижарага берилиши белгилаб қўйилди.

Бунда пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг энг кам майдони 30 га, сабзавотчилик, боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигининг энг кичик ҳажми 5 гектар қилиб белгиланди; ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш тизими жорий этилди;

- ўз маблағи ҳисобидан қўшимча ер ўзлаштирилганда қўшимча иқтисодий рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Сувдан	фойдаланиш	бўйича:
- ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий ҳудудий принциpidан хавза принципига ўтказилди, республика бўйича 10 та ирригация тизимлари хавза бошқармалари ва 1 та Фарғона водийси бўйича бирлаштирилган диспетчерлик Марказига эга бўлган магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил этилди;		
-фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун Сув истеъмолчилари уюшмалари ташкил этиш йўлга қўйилди;		

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган аграр сиёсат, фермер хўжалигининг ерга, етиштирилган маҳсулотга эгаллигини янада мустаҳкамлаш, ишлоб чиқариш жараёнида ер ва бошка ресурслардан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва сифатини ошириш, пировард натижа фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилмоқда.. Чунки ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида, шунингдек, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида ундан ҳалқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида оқилона, самарали фойдаланиш зарурлиги қайд қилинган. Шунга кура ҳар бир хўжалик субъектлари ерни асрашлари ва улардан самарали фойдаланишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалигига

мўлжалланган ерлардан оқилона самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва мамлакат озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикасининг барча ер ресурслари ягона ер фондини ташкил этади. Улар мақсадли фойдаланишига қараб, Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 2-бобида кўрсатилганидек қуйидаги категорияларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
2. Аҳоли пунктларининг ерлари;
3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
6. Ўрмон фонди ерлари;
7. Сув фонди ерлари;
8. Давлат заҳира ерлари.

Ўзбекистоннинг Ер фонди 44413,3 минг гектарни ташкил қилади. Бу майдоннинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган қисми 25365,6 минг гектардан ошиқроқни ташкил қилади. Шундан, қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган, яъни, суғориладиган майдонлар 4210,9 минг гектар бўлиб, бу умумий ер майдонинг 9,4 фоизини ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликларга беркитилган ер ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги сифатида ҳам, қишлоқ хўжалигига ярокли ер ва унинг алоҳида турлари бўйича фойдаланишнинг самарадорлиги сифатида ҳам характерлайдиган кўрсаткичлар тизими орқали ифодаланиши мумкин. Ер ресурсларидар фойдаланиш кўрсаткичларнинг бир қисми турли хил ер

ресурслари майдонлари ҳажмининг микдорий ўзгаришларини характерлайди ва маълум даражада улардан фойдаланишнинг экстенсив характерини акс эттиради, бошқа қисми ердан фойдаланишнинг интенсив даражасини характерлайди, яъни 1 гектар майдон ҳисобига тўғри келган у ёки бу ишлаб чиқариш самарасини акс эттиради.

Ер ресурсларидан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичларга, ер ресурсларини қишлоқ хўжалиги оборотига жалб қилиш даражасини акс эттирувчи, ер ресурсларидан, қишлоқ хўжалигига ярокли ердан ва ҳайдаладиган ердан фойдаланиш коэффициентларини ўз ичига олади.

Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти (ЕРФК) қишлоқ хўжалигига ярокли ерларни хўжаликка беркитилган жами ер майдонига нисбати билан ифодаланади.

$$\text{ЕРФК} = \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{ЖЕМ}}$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан фойдаланиш коэффициенти (К/ХЯЕФК) ._Ҳайдаладиган ерларни қишлоқ хўжалигига ярокли ерларга нисбати билан ифодаланади.

$$\text{К/ХЯЕФК} = \frac{\text{ХЕ}}{\text{К/ХЯЕ}}$$

Ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш коэффициенти (ХЕФК) жами экин майдонларини ҳайдаладиган ерларга нисбати билан ифодаланади.

$$\text{ХЕФК} = \frac{\text{ЖЭМ}}{\text{ХЕ}}$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ер қайтими ва ер сиғимидир. Ер қайтими 1 га қишлоқ хўжалигига ярокли ерга тўғри келган соф маҳсулотни

ифодаласа, ер сиғими, 1 сўмлик соф маҳсулот канча гектар ердан олинганлигини ифодалайди.

$$EK = \frac{CM}{K/XJE} ; \quad EC = \frac{K/XJE}{CM}$$

Қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг кўшимча кўрсаткичлари ана шу ерлардан олинган натура ва киймат шаклидаги ялпи ва товар маҳсулотлари ҳисобланади. Ер кайтими ва ер сиғимининг натурал кўрсаткичлари алоҳида олинган хўжаликларда ёки бир хил табиий ва иқтисодий шароитларда жойлашган ва бир хил ихтисослашган хўжаликларда алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш нуктаи назаридан қишлоқ хўжалигига ярокли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалик экинлари таркибини оптималлаштириш масаласи, энг аввало, бозор талабига мослашиш ва ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитлари, тупроқ унумдорлиги, мелиоратив ҳолати каби муҳим жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сурхондарё вилоятининг Қизирик туманида 2010 йил 1 январ ҳолати бўйича фермер хўжаликлари сони оптималлаштирилгандан кейин улар 707 та ташкил этди.

Экинлар таркибини оптималлаштиришда энг аввало экин майдонлари унумдорлиги ҳисобга олинади. Бунда 40 баллдан паст унумдорликка эга майдонларга пахта экиш тавсия этилмайди. Бундай майдонлар унумдорлигири ем – хашак экинлари, асосан дуккакли экинлар экиш орқали ошириш чоралари кўрилади.

Экин майдонларининг ўзгариши пахта ва ғалла камайишига олиб келмайди. Бу асосан алмашлаб экишни жорий этиш ҳисобига тупроқ унумдорлигини ошириш, агротехника қоидаларига риоя этиш эвазига таъминланади.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликларга беркитилган ер ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги сифатида ҳам, қишлоқ хўжалигига яроқли ер ва унинг алоҳида турлари бўйича фойдаланишнинг самарадорлиги сифатида ҳам тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизими орқали фойдаланиши мумкин. Кўрсаткичларнинг бир қисми турли хил ер ресурслари майдонлари ҳажмининг миқдорий ўзгаришларини тавсифлайди ва маълум даражада улардан фойдаланишнинг экстенсив хусусиятини акс эттиради, бошқа қисми ердан фойдаланишнинг интенсив даражасини тавсифлайди, яъни 1 гектар майдон ҳисобига тўғри келган у ёки бу ишлаб чиқариш самарасини акс эттиради.

2-Жадвал

Фермер хўжалигининг ер ресурслари ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	2010й		2011 й		2011 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши:	
	Жами майдон	Ҳамма ер майдонига нисбатан, %	Жами майдон	Ҳамма ер майдонига нисбатан	Мутлоқ (+,-)	%
Умумий ер майдони	99	100	99	100	0	100
Шу жумладан: Экин майдонлари	94,7	95,66	94,7	95,7	0	100
Шундан: Ҳайдаладиган ерлар	94,7	95,66	94,7	95,7	0	100
Кўп йиллик кучатзорлар	4	4,04	4	4,0	0	100
Сув ҳавзалари	0,3	0,30	0,3	0,3	0	100

Манба «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ҳисоботлари

Ерни ҳеч ким барпо қилмайди ва у ҳеч нима билан алмаштирилмайди, аммо унинг юзаси чеклангандир. Ердан фойдаланишнинг таҳлил қилишни энг

муҳим тарафи унинг таркиби ва тизимини ўрганиб, беҳуда сарфлаш ходисаларини аниқлаш ва унда унумли фойдаланиш йўллари, тадбирларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Хозирга пайтда Республикада суғориладиган ерларнинг қарийб 49 % турли даражада, жумладан 18 % кучли ва уртача даражада шурланган, 23 % дан ортиқроғи балл даражасидан паст ерлар тоифасига киради. (“Ўзбекистон қишлоқ хўжалик” журналі 30-бет.)

2-Жадвал маълумотларига эътибор берсак, фермер хўжалигида 2011 йилда 2010 йилга нисбатан умумий ер майдони ўзгармаган. Кўп йиллик кўчатзорлар 4 га ёки 100%, сув ҳавзалари 0.3 га ёки 100 % булганлигини кўришимиз мумкин. Умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали ташкил этишда ер – сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг объектив зарурияти қуйидагиларда ўз таъсирини топади:

- қишлоқ хўжалиги такомиллашмаган сув хўжалиги тизимсиз (йирик сув омборлари, ирригация – мелиорация тизимлари, насос станциялари, суғориш ва коллектор – дренаж тармоқлари, электр узатиш линиялари ва бошқа объектлар) самарали фаолият юрита олмайди;
- мамлакатимизда сув ресурслари шаклланиш манбаи асосан қўшни давлатлардан оқиб келадиган транс чегаравий сув ресурсларидир. Бу ҳолат албатта сув таъминотида давлатлараро ҳам жиҳатликни талаб қилинади.
- Республика ер – сув ресурслари минтақаларда нотекис равишда тақсимланган, шунинг учун давлат бошқарувини зарурият қилиб қўяди.
- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари хусусий сув итеъмолчилари, фермер ва деҳқон хўжаликлари сонининг ошиб кетиши билан янада кескинлашади;

- сув ресурсларининг нисбатан камаётганлиги шароитида унга нисбатан пайдо бўлаётган қўшимча талаблар кўпроқ қишлоқ хўжалигига берилаётган сув ҳисобидан қондирилмоқда;

- қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатувчи сув сув хўжалиги тизими мамлакат аграр секторида ер – сув комплекси билан ажралмаган ҳолда шаклланади ва ҳ.к.

2.3. Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибини қайта ўзгартириш ва ислохатларни янада чуқурлаштиришни амалга ошириш жараенида хўжаликларни барқарор ривожлантириш учунунинг фаолиятига тўлиқ баҳо бериш учун унинг барча иқтисодий кўрсаткичларини ҳар тарафлама таҳлил қилишимиз керак.

Фермер хўжалигида экин турлари бўйича маҳсулот етиштиришни 3-жадвал маълумотлари асосида қараб чиқамиз.

3-Жадвал

Фермер хўжалиги бўйича етиштирилган маҳсулотлар ҳажми

Маҳсулот турлари	2009 й	2010 й	2011 й	2011 йил 2009 йилга нисбатан фарқи (+,-)	2011 йил 2009 йилга нисбатан %
Пахта,т	165,5	194,18	257,05	91,545	155,3
Ғалла,т	134,4	149,8	152,25	17,85	113,3
Сабзавот,т	63	63,4	65,8	2,8	104,4
Картошка,т	67,5	77,7	78,45	10,95	116,2
Узум,т	38,4	40,8	42,8	4,4	111,5

3-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2009 йилда 165,5 тонна пахта етиштирган бўлса 2011 йилда 257,05 тонна пахта етиштирган.2011

йилда 2009 йилга нисбатан 91,545 тонна ёки 155,3 % кўп маҳсулот етиштирган.

2009 йилда 134,4 тонна ғалла етиштирган бўлса 2011 йилда 152,25 тонна ғалла етиштирган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 17,85 тонна ёки 113,3 % кўп маҳсулот етиштирган.

Сабзавот етиштириш бўйича асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичи 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 2,8 тонна ёки 104.4.0% ошганлигини кўришимиз мумкин.

Картошка бўйича асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичи 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 10,95 тонна ёки 111,5 % ошганлигини кўришимиз мумкин.

Фермер хўжалигидаги экин турлари бўйича экин майдонлари динамикасини 4- жадвал оркали караб чикамиз.

4-Жадвал

Фермер хўжалигининг экин турлари бўйича экин майдонлари

Маҳсулот турлари	2009 й	2010 й	2011 й	2011 йил 2009 йилга нисбатан фарқи (+,-)	2011 йил 2009 йилга нисбатан %
Пахта,га	38,4	50,7	50,7	12,3	132,0
Ғалла,га	32	35	35	3	109,4
Сабзавот,га	2	2	2	0	100,0
Картошка,га	3	3	3	0	100,0
Узум,га	4	4	4	0	100,0
Жами	79,4	94,7	94,7		119,3

Манбъа «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ҳисоботлари

4-Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, пахта бўйича экин майдони 2009 йилда 38,4 га.ни ,2010 ва 2011 йилда 50,7 га.ни ташқил этиб 2011йилда 2009 йилга нисбатан 12,3 га ёки132 % га ўзгарган. Ғаллата бўйича экин майдони

2009 йилда 32 га.ни ,2010 ва 2011 йилда 35 га.ни ташқил этиб 2011йилда 2009 йилга нисбатан 3 га ёки109,4 % га ошган.

Фермер хўжалигидаги экин турлари бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичларини 5-жадвал оркали куриб чиқамиз.

5-Жадвал

Фермер хўжалигининг экин турлари бўйича ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Маҳсулот турлари	2009 й	2010 й	2011 й	2011 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
				(+,-)	%
Пахта	43,1	38,3	50,7	7,6	117,6
Ғалла	42,0	42,8	43,5	1,5	103,5
Сабзавот	315	317	329	14	104,4
Картошка	225	259	261,5	36,5	116,2
Узум	96	102	107	11	111,4

5-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики,2009 йилда пахтанинг ҳосилдорлиги 43,1 ц/га ни ташкил этган бўлса ,2011 йилда 50,7 ц/га ни ташкил этган. 2009 йилда 2009 йилга нисбатан 7,6 ц/га ёки 117,6 % кўпайган.

2009 йилда ғалланинг ҳосилдорлиги 42 ц/га ни ташкил этган бўлса ,2011 йилда 43,5 ц/га ни ташкил этган.2009 йилда 2009 йилга нисбатан 1,5 ц/га ёки 103,5 % кўпайган.

2009 йилда сабзавотнинг ҳосилдорлиги 315 ц/га ни ташкил этган бўлса ,2011 йилда 329 ц/га ни ташкил этган.2009 йилда 2009 йилга нисбатан 14 ц/га ёки 104,4 % кўпайган.

2009 йилда картошканинг ҳосилдорлиги 225 ц/га ни ташкил этган бўлса ,2011 йилда 261,5 ц/га ни ташкил этган.2009 йилда 2009 йилга нисбатан 36,5 ц/га ёки 116,2 % кўпайган.

2009 йилда узумнинг ҳосилдорлиги 96 ц/га ни ташкил этган бўлса ,2011 йилда 107 ц/га ни ташкил этган.2009 йилда 2009 йилга нисбатан 11 ц/га ёки 111,4 % кўпайган.

Ҳосилдорликнинг йилма-йил ортиши кувонарли хол.Лекин,бу бугунги кун талабларига тўлиқ мос келмайди. Фермер хўжалиги бўйича ғалла етиштиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини 6-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.

6-Жадвал

Фермер хўжалиги бўйича ғалла етиштиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Мазмуни	Ўлчов бирлик	2009 й	2010 й	2011 й	2011 й 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
					Фарқи (+,-)	Ҳоизда
Экин майдони	га	32	35	35	3,0	109,4
Ҳосилдорлик	ц/га	42,0	42,8	43,5	1,5	103,6
Ялпи ҳосил	тонна	134,4	149,8	152,25	17,9	113,3
Пул даромади	млн					
	сўм	27,28	34,60	38,98	11,7	142,9
Жами харажат	млн					
	сўм	25,80	34,30	36,69	10,9	142,2
Фойда	млн					
	сўм	1,48	0,30	2,28	0,8	154,5
Рентабеллик	%	5,7	0,9	6,22	0,5 пункт	
1 тоннасини сотиш баҳоси	м.сўм	203	231	256	53,0	126,1
1 тоннасини таннархи	м.сўм	192	229	241	49,0	125,5

Манба «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ҳисоботлари

6-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, фермер хўжалиги 2009 йилда 134,4 тонна, 2010 йилда 149,8 тонна, 2011 йилда эса 152,25 тонна ғалла топширган. 2011 йил 2009 йилга нисбатан 17,9 тонна ёки 113,3% кўп маҳсулот топширган. Пул даромади 2011 йил 2009 йилга нисбатан 11,7 млн сўм ёки 142,9% кўпайган. Фойда 2011 йил 2009 йилга нисбатан 0.8 млн сўмга ёки 154,5% ортган. Рентабеллик эса 2011 йил 2009 йилга нисбатан 0.5 пунктга ортган. Бир тонна ғалланинг таннархининг ўзгариш динамикасига эътиборни қаратсак, 2011 йил 2009 йилга нисбатан 49 минг сўм ёки 125.5% ошган. Сотиш баҳоси эса мос равишда 53 минг сўмга ёки 126.1 % ошганлигини кўриш мумкин. Сотиш баҳоси билан таннархи ўртасидаги фарқ атига 4 минг сўм ёки 0.6 % ошганлигини кўриш мумкин. Фарқнинг бунчалик камлиги сотиш баҳосини оширишни қараб чиқиш лозимлигидан хабар беради. Шундагини рентабеллик даражасини ошириш мумкин бўлади.

2.4. Фермер хўжалигида меҳнат ресурслари

Фермер хўжалигининг фаолияти асосан хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Фермер хўжалигидаги ишларни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида жалб этилиши мумкин.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш тартиб қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Фермер хўжалигида иш тартиби хўжалик бошлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган.

Фермер хўжалик бошлиги хўжалик аъзоларининг ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларни меҳнат фаолияти ҳисобини юритади.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларни меҳнатга ҳақ тулаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, тамонларни келишувига биноан ҳам пул тарзда ҳам натурал тариқасида туланади.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахс фермер хўжалиги бошлигини розилиги билан хўжалик мол-мулкига пул ёки бошқа

хил улуш кишига ҳамда кушган улушига мутаносиб равишта хўжалик даромади (фойдаси) таксимоотида катнашишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиги аъзолари, шунингдек хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий сугуртасидан утказилиши лозим.

Фермер хўжалигида ишлаган вақт давлат ижтимоий сугуртаси бўйича бадаллар туланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида стажга қўшилади.

Жамиятнинг моддий ва маданий бойликларнинг табиий-иқтисодий ресурслар ва манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. 1995 йил 21-декабр қабул қилинган Ўзбекистон республикаси “меҳнат кодекси”нинг 1-боб 8-моддасида меҳнатнинг устуворлиги туғрисида шундай дейилган : ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларининг ҳимоя қилиши кафолатланади. Бу ҳимоя меҳнат туғрисида қонун ҳужжатларига риоя қилиши текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини қўрувчи органлар томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг моддий ва маданий бойликларининг манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. Ингиз иқтисодчиси У.Петти XVII асрда меҳнат бойлигининг оиласи деб айтган. Иқтисодчилар меҳнати кишилиқ ҳаётининг асосий шакли эканлиги ва инсон ўзининг ҳам камолотга етувчи меҳнат орқали ошганини айтиб ўтган. Меҳнат-бу инсоннинг мақсадини фаолияти бўлиб, бу жараёнга у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради.

У кучини қўшганлиги ҳолда инсон меҳнат кераклигидан фойдаланиб, табиат берган материалларини кишиларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондирадиган моддий нематларга бойликларга айлантиради. Меҳнат жараёни инсонни иш жойида унинг меҳнат фаолиятининг маълум натижаларига эришишга йўналтирилган ҳаракатларнинг тўлаллигини билдиради.

Бу борада меҳнат жараёни тушунчаси “ишлаб чиқаришни” жараёни тушунчасига нисбатини анча тор тушунчадир. Ишлаб чиқаришни жараёни

хар бир маълум бир босқични ва тайёр маҳсулот олишни акс эттирувчи бир бутун меҳнат жараёнлари комплекс борасида амалга оширилади. Бундан ташқари кўп холларда ишлаб чиқариш жараёни, инсон меҳнати иштирокчисиз ҳам табиий омиллар таъсири остига содир бўлади. Меҳнат жараёни маълумки ўз ичига уч элементини: меҳнат воситаси, меҳнат предмети ва бевосита инсон меҳнатинг ўзини олади.

Ишлаб чиқариш воситаларсиз меҳнат жараёни маносиз бўлади, уз навбатида инсон меҳнатсиз ишлаб чиқариш воситалари ҳам ўликдир ва ҳеч нарса тенглаша олмайди. Кишилар меҳнати ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракат қилишга ва инсоннинг мақсадини амалга оширишга бирга ҳаракат қилади.

Фан ва техника уз ривожланишида қанчалик илгарилаб кетмасин, меҳнат шароитига меҳнат етакчилиқ , ҳал қилувчи ролини йўқотмайди. Меҳнат иқтисодий категориё ҳисобланиб унинг характери ишлаб чиқариши муносабатлари билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларини миқдорида, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Қишлоқ хўжаликида меҳнат ресурсларига меҳнатга йароқли эркаклар 16 дан 60 йош гача. Аёллар 16 дан 55 йош гача, шунингдек қишлоқ жойларида яшовчи ўсмирлар ва нафақахўрлар киради.

Қишлоқ хўжалик қорхоналарида меҳнат ресурслари таркибига :

1. Доимий.
2. Мавсумий.
3. Вақтинчалик ишловчилар.
4. Ўсмирлар.
5. Нафақахўрлар киради.

1. Доимий ишчиларга муддаосиз ишга қабул қилинганларга кириб фермер хўжалигида бир нафар киши – фермер хўжалиги раҳбари фаолият кўрсатмоқда.

Мавсумий ишчилар 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар кирсада фермер хўжалигида 1 йилга шартнома асосида 4 нафар киши ишламоқда.

Вақтинчалик ишчиларга 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар киради. Бу борада фермер хўжалигида шунинг мавсумийлиги ва хажмига қараб 4-6 нафар киши шартнома асосида қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланиш бир қатор узига хос хусусиятларига эга. Бу ишлаб чиқариш шароитидан фойдаланган технологиядан техника билан тامينланиши даражасидан, қишлоқ меҳнаткашлари учун деҳқон хўжалигининг мавжудлигидан келиб чиқади.

Фермер хўжалигида иш билан банд ишчи ходимларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотни 7-жадвал асосида таҳлил қиламиз.

7-Жадвал

Фермер хўжалиги аҳолиси демографияси ва бандлиги кўрсаткичлари

Аҳоли категориялари	Ўлчов бирлиги	2009 й	2010 й	2011 й	2011 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариш сони	
					(+,-)	%
Хўжалик аъзолари	киши	17	18	18	1	105,9
Шундан: хотин кизлар	киши	8	8	8	0	100,0
Бошқарувчилар	киши	1	1	1	0	100,0
Ишчилар	киши	16	17	17	1	106,3

Манба «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ҳисоботлари

7-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Фермер хўжалигида 2009 йил 17 нафар ишчи ходим ишдаган бўлса, 2010 йилда 18 нафар, 2011 йилда 18 нафар бўлган. 2011 йил 2009 йилга нисбатан 1 нафарга ёки 105,9 % га ошган. шундан хотин қизлар 2009 йилда жами ходимларнинг 8 нафарини ёки 50% кўпрогини ни, 2010 йилда 8 нафар, 2011 йилда 8 нафари ни ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан фермер хўжалиги аъзолари таркибида хотин кизлар сони ошмаган. Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланиши мавсумийлик даражасини билдирадиган бир қанча кўрсаткичлар мавжуд:

1. Меҳнат харажатларининг ойлик ва ўртача ойлик тақсимланиш. Ходимлар сонини ёки ойлар бўйича ишлаган киши соатларнинг 12 ойга бўлиб топилади.

$$M_{\text{хот}} = \frac{\text{Ходимлар сони}}{12} \text{ ёки } M_{\text{хот}} = \frac{\text{киши / соатлар}}{12}$$

$$M_{\text{хот}} = 18/12=1,5 \quad M_{\text{хот}} = \frac{9}{12} = 0,75$$

Фермер хўжалигида 2011 йилда 1 та доимий, 6 та мавсумий ва 10 та вақтинчалик ишлаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, меҳнат харажатларини ойлик тақсимланиши ($M_{\text{хот}}$) 1,5ни ташкил этади.

2. Меҳнатдан фойдаланиш мавсумийлик коэффиценти. Текширилган ойда меҳнат харажатларини ўртача ойлик меҳнат харажатига бўлиб топилади. Фермер хўжалигида май 2011 йилда

$$M_{\text{хот}} = 1,22/1,33=0,92 \text{ ни ташкил}$$

3. Мавсумий юкланмаганлик нотекислик коэффиценти. Максимал ёки минимал ойдаги меҳнат харажатининг ўртача ойлик меҳнат харажатларига бўлиб топилади.

$$M_{\text{хот}} = 0,40/1,33=0,3$$

Энг минимал ойдаги меҳнат харажати йил боши январда 0,3 булган ва максимал ойдаги меҳнат харажати сентябр 2011 йилда 0,9 булган. Бундай

четланишнинг катталиги қишлоқ хўжалик ишларини мавсумий характерда эканлигидан келиб чиқади.

4. Мавсумий тебраниш максимал ойдаги меҳнат харажатини минимал ойдаги харажатига бўлиб топилади.

$$M_{\text{MT}} = 0,9/0,3 = 0,3$$

Мавсумий тебраниш фермер хўжалигида 0,3 ни ташкил этган.

Иш кучидаги фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятини, йил давомида иш кучидан бир текис фойдаланишни таъминлайдиган, қишлоқ хўжалик меҳнатини мавсумийлигини пасайтириш имкониятларини излаб топишдадир. Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланиш мавсумийлигини камайитиришнинг омиллари қуйидагилар:

1. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва интенсивлик даражасини ошириш. Унинг ошириш қишлоқ хўжалиги ишларининг энг тигиз давр меҳнат харажатларига булган истеъмолини камайитириш ва шу билан киш ва ёз ойларидаги ходимларга булган эҳтиёж уртасидаги фаркни кискартириш.
2. Ишлаб чиқариш тармок структураси. Тармок структурасини такомиллаштириш йил давомида иш кучига бир текисда эҳтиёж булган тармок ва маҳсулот тури салмогини кучайтириш.
3. Ёрдамчи корхоналар ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат корхоналаридаги ва цехлардаги ишлар мавсумий характерга ега ва дала ишлари анча тигиз булган пайтда ҳеч зарарсиз тухтатиб қуйиш мумкин.
4. Меҳнатни оқилона ташкил қилиш. Меҳнат жараёнларини оқилона ташкил этиш ва ходимларни ягона ишлаб чиқариш корхонасига бирлаштириш, ишни оз сонли кишилар билан бажари, иш кучига булган эҳтиёжни пасайтиради.

3 боб.Пахтачиликда рентабелликнинг ҳозирги ҳолати таҳлили

3.1.Рентабеллик тушунчаси, турлари, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.

Пахтачилик мамлакатимиз агросаноат мажмуининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Соҳада барқарор ривожланишида энг аввало арзон қуёш энергиясидан, ердан, қолаверса, барча моддий техника ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига эришилади. Ҳозирги кунда энг асосий вазифамиз хўжалик юритиш шакилларида қаттиқ назар, барча ерда пахтачилик самарадорлигини, жумладан рентабеллигини оширишда иборатдир. Рентабеллик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари - меҳнат, ер-сув, моддий ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш харажатлари орқали етиштирилган маҳсулотдан олинган самаранинг миқдор ва сифатини, ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имкониятини, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини акс эттиради.

Рентабелликда мутлоқ кўрсаткич - бу фойдадир. Фойда - бу реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг қисми бўлиб, у маҳсулот сотишдан келадиган маблағдан - сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тўла таннарх қийматини чиқариб ташланган қисмига тенг бўлади:

$$\Phi = \text{ПТ} - \text{ТТ}$$

Фойда – бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган охириги иқтисодий кўрсаткичдир. Энг аввало унда жонли меҳнат харажатлари ифодаланади, чунки унинг асосида ялпи даромад ётади, ходимларнинг жонли меҳнати билан янги маҳсулот яратилади. Меҳнат унумдорлиги канча юқори бўлса, янгидан яратилган қийматдаги иш ҳақи салмоғи шунча оз бўлади,

унинг бир кисми фойдани ташкил килишга кетади. Фойдада, шунингдек буюмлашган меҳнат харажатларининг самарадорлиги акс этади. Маҳсулот бирлиги ҳисобига тўғри келган моддий харажатлар ва иш ҳаки харажатларининг камайиши, баҳо ўзгармаганда фойдани кўпайтиради ва ниҳоят бу кўрсаткичда маҳсулот сифати намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш рентабеллиги сотилган маҳсулот бўйича ҳисобланади ва ифодалаш шаклига боғлиқ ҳолда абслюот ва нисбий кўрсаткичларда характерланади. Фойдани аниқлаш услуги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари рўйхати хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлилигини аниқлаш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби сўтларида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши, солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади.

Мазкур Низомга мувофиқ хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

ЯФ=ССТ-ИТ,

бунда,

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ - сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ},$$

бунда,

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

- хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда сўммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$\mathbf{УФ=АФФ+МД-МХ},$$

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

- солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$\mathbf{СТФ=УФ+ФП-ФЗ},$$

бунда,

СТФ - солиқ тўлангунгача олинган фойда;

ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар;

- йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва

тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$CF = CT - DC - BC,$$

бунда,

CF - соф фойда;

DC - даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

BC - бошқа солиқлар ва тўловлар.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш рентабеллигининг мутлок кўрсаткичи билан бир каторда унинг нисбий кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич ўзида рентабеллик нормаси ва фойда нормасини ифода этади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш рентабеллигини тўла характерлаш учун нисбий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади: рентабеллик даражаси ва фойда нормаси. Рентабеллик даражаси соф фойдани коммерция таннархига бўлиш орқали аниқланади ва фоизларда куйидаги формулалар билан ҳисобланилади:

Ф	ПТ-КТ	ПТ
$R = \frac{CF}{TT} \times 100$	$R = \frac{CT - K}{TT} \times 100$	$R = \frac{P}{TT} \times 100$

Лекин қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда нафакат жорий, балки асосий ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кўпайтиришга сарфланган капитал кўйилмалар харажатлари ҳам амалга оширилади, кайсики маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига амортизация шаклида кўшилади. Шунинг учун факат жорий харажатлар самарадорлигини эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларида моддийлашган харажатларни ҳам билиш муҳим. Шунинг учун бир сўмлик асосий ва айланма фондларга тўғри келадиган соф фойда миқдорини ифодаладиган, рентабелликнинг нисбий кўрсаткичидан фойдаланилади. Асосий, моддий оборот воситаларининг рентабеллик даражаси ва фойда нормаси куйидагича ҳисобланади:

$$P_{ав} = \frac{\Phi}{AB} \times 100; \quad P_{ай.в} = \frac{\Phi}{MAB} \times 100; \quad \text{Фойда нормаси} = \frac{\Phi}{AB+MAB} \times 100;$$

Модернизациялаш шароитида фойда олиш иктисодий зарурият ҳисобланади. Рентабелликнинг мутлоқ кўрсаткичи жуда муҳим молиявий кўрсаткич бўлгани билан, у айрим корхоналар фаолиятини ўрганишда қийинчилик туғдиради. Чунки бу кўрсаткичда корхонанинг ялпи ва товар маҳсулотлари, уларга сарфланган харажатлар бевосита ифода этилмайди.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхонанинг молиявий фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи нисбий коэффицентлардир. Улар корхонанинг даромадлилигини, фойдалилигини ифодалайди.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхонанинг у ёки бу ҳолати бўйича фойдалилик даражасини таърифлаш ва уларга баҳо бериш учун ишлатилади.

Рентабеллик даражаси бир сўмлик маблағлар, харажатлар ва фондлар қийматига нисбатан олинган фойда ҳажмини ифодалайди. Агар ушбу кўрсаткич даражаси ошиб борса, фойдалиликнинг ошиб боришини билдиради. Ҳозирги вақтда рентабеллик кўплаган кўрсаткичлар орқали ифодаланди. Шулардан асосий кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги
2. Асосий воситалар рентабеллиги
3. Активлар рентабеллиги
4. Хусусий капитал рентабеллиги
5. Перманент капитал рентабеллиги

Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги. Буни ($P_{мр}$) аниқлаш учун маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойдани ($Яф$) 100 фоизга кўпайтириб, сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига ($ТН$) бўлиш керак:

$$P_{mp} = \frac{Яф * 100}{ТН}$$

Бу рентабеллик харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичдир, яъни 1 сўмлик қилинган харажатга қанча фойда олинганлигини кўрсатади.

Асосий воситалар рентабеллиги. Бу ҳисобот давридаги соф фойдани (СФ) 100 фоизга кўпайтириб, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (АИФ) бўлиш орқали аниқланади:

$$P_{ав} = \frac{СФ * 100}{АИФ}$$

Бу рентабеллик асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Активлар рентабеллиги. Буни (P_a) аниқлаш учун солиқ тўлангунга қадар бўлган фойдани (СТФ) 100 фоизга кўпайтириб, натижасини узок муддатли активлар (УА) билан айланма активлар (АА) сўммасининг жамига (яъни балансининг жамига) бўлиш керак:

$$P_a = \frac{СТФ * 100}{УА + АА}$$

Активлар рентабеллиги ҳисобот даврида 1 сўмлик асосий воситалар билан айланма маблағлар ҳисобига неча сўмлик фойда олинганлигини англатади.

Хусусий капитал рентабеллиги. Буни ($P_{хк}$) аниқлаш учун хўжаликнинг ҳисобот йилидаги соф фойдасини (СФ) 100 фоизга кўпайтириб, уларнинг сўммасини хусусий капитал (ХК) нинг ўртача йиллик қиймати бўлиш керак.

$$P_{хк} = \frac{СФ * 100}{ХК}$$

Бу кўрсаткич бир сўмлик хусусий капитал ҳисобига неча сўмлик соф фойда олинганлигини кўрсатади, яъни хусусий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги даражасини ифодалайди.

Перманент капитал рентабеллиги. Бу рентабелликни (РПК) аниқлаш учун корхонанинг соф фойдасини (СФ) перманент капиталнинг ўртача йиллик қийматига (ПК) бўлиш керак:

$$Р_{ПК} = \frac{СФ * 100}{ПК}$$

Корхонанинг хусусий капитали билан узоқ муддатли қарз капитали биргаликда перманент капитални ташқил этади. Демак, перманент капитал рентабеллигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Р_{ПК} = \frac{СФ * 100}{ХК + КК}$$

Бунда, ХК-хусусий капитал;

КК-узоқ муддатли қарз капитали;

Перманент капитал рентабеллиги коэффиценти хусусий ва узоқ муддатли қарз маблағларининг 1 сўмига (100 сўмига) қанча соф фойда тўғри келишлигини кўрсатади.

Рентабелликнинг кўрсаткичлари ичида сотилган маҳсулотларнинг таннархига киритилган харажатлар рентабеллиги универсал кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткични айрим корхона, тармоқ ва маҳсулотлар бўйича ҳисоблаш мумкин.

Фермер хўжалигида 2011 йилда 50.7 гектарга чигит экилиб, 203 тонна ялпи ҳосил олинган ва давлатга сотишдан 25,1 млн. сўм фойда олинган. Пахтачилик учун 2011 йилда жами 120.97 млн. сўм харажат қилинган. Шу маълумотлар асосида фермер хўжалигида пахтачилик рентабеллигини ҳисоблаганимизда қуйидагича бўлган:

$$\text{Фермер хўжалиги бўйича пахтачилик рентабеллиги} = 25,1 * 100 / 120.97 = 20,7\%$$

Демак, Қизирик туманидаги фермер хўжалигида 2011 йилда пахтачиликдан 20,7 фоиз рентабелликка эришган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 10,3 пунктга ошган. Бу эса йилдан-йилга пахтачиликда юқори самарадорликка эришилаётганини кўрсатади.

3.2. Пахтачиликда рентабелликнинг ҳозирги ҳолати таҳлили.

Фойда хўжаликнинг пировард молиявий натижасини мутлоқ кўрсаткичда ифодаласа, рентабеллик ушбу натижани нисбий кўрсаткичда ифодалайди. Самарадорликга баҳо беришдаги асосий кўрсаткич бўлиб, рентабеллик ҳисобланади. Рентабеллик деганда фойдалилик, даромадлилик даражаси тушунилади. Ресурсларга, капиталларга, ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан олинган фойда ҳажми тушунилади. 1 сўмлик асосий фондлар ҳисобига ёки 1 сўмлик хусусий капитал ҳисобига олинган фойда ҳажмини ифодаловчи кўрсаткич тушунилади.

8-жадвал

Фермер хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Мазмуни	Ўлчов бирл	2009 й	2010 й	2011 й	2011 й 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
					Фарқи (+,-)	Ҳоизда
Ялпи ҳосил	тонна	165,504	194,181	203,307	37,8	122,8
Пул даромади	млн сўм	87,72	118,45	145,97	58,3	166,4
Жами харажат	млн сўм	79,44	102,14	120,97	41,5	152,3
Фойда	млн сўм	8,28	16,31	25,01	16,7	302,2
Рентабеллик	%	10,4	16,0	20,67	10,3 пункт	

Манба «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ҳисоботлари

Пахтачиликда рентабелликни таҳлил этишдан мақсад рентабеллик кўрсаткичлари динамикасини чуқур ўрганиш ва омилли таҳлил қилиш асосида уларни янада кўпайтириш ва ошириш имкониятларини аниқлашдан иборат. Биз пахтачиликда рентабелликнинг ҳозирги ҳолатини таҳлилини Фермер хўжалигининг пахта етиштириш бўйича асосий иқтисодий

кўрсаткичларини маълумотларини таҳлил этиш натижаларидан кўришимиз лозим (8—жадвал).

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида ялпи маҳсулот қиймати 2011 йил 2009 йилга нисбатан 58,3 млн. сўмга ёки 166,4 фоизга ошган бўлса, жами харажатлар 41.5 млн. сўмга ёки 152.3 фоизга ошган. Ваҳоланки фойда эса 16.7 млн.сўмга ёки 302.2 фоизга ошган. Рентабеллик кўрсаткичи 2011 йил 2009 йилга нисбатан 10.3 пунктга ошган.

Пахтачиликдан олинадиган маҳсулотлар халқ хўжалиги учун қимматли хом-ашё манбаи ҳисобланади. Пахта толасидан турли хил газламалар, ип, арқон, балиқ овлайдиган тўр, тасма, транспортёр лентаси, турли қоғоз каби маҳсулотлар тайёрланади. Бир тонна пахтадан 340-350 кг тола, 50-60 кг момиқ, 600 кг чигит олинади. Бир тонна чигитдан 170 кг мой, 400кг кунжара, 50-60 кг момиқ, 60 кг ўсимлик оқсили, 300 кг шелуха олинади. Бундан ташқари маргарин, кир совун, алиф мойи тайёрлашда фойдаланилади.Ўза ўсимлиги пояси ва бошқа аъзоларидан мебель саноатида турли маҳсулотлар тайёрланади.

Ўзбекистон 20 дан ортиқ чет мамлакатларга ўз пахтасини экспорт қилади. Пахтачилик бир қатор мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим тамоғидир. Жаҳон бўйлаб пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми мунтазам равишда ўсиб бормоқда ва ҳозир у деярли 19 млн. тоннани ташкил этади. Ўзбекистон йилига тахминан 1.5 млн.т. пахта толаси етиштириб, пахта етиштирувчи 71 мамлакат орасида 5 ўринни эгаллаб турибди. Республикамиз экин майдони бўйича Хиндистон, Хитой АҚШ ва Покистондан кейинги ўринни, ҳосилдорлик бўйича 14 ўринни эгаллаб турибди.

Ўз тараққиётидаги барча камчиликларга қарамай, пахтачилик ўтган ўн йилликлар давомида республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи тармоққа айланди, мустақилликка эришилгандан кейин унинг ахамияти янада кўтарилмоқда, Пахтага қайта ишлов берилгандан сўнг ундан турли соҳаларда кенг фойдаланиладиган 1200 дан ортиқ хил маҳсулот тайёрланади. Асосий маҳсулот пахта толаси бўйлаб, тўқимачилик саноати

учун у тенги йўқ хом ашё ҳисобланади, халқаро савдода эса унга доим эҳтиёж каттадир. Жаҳон бозорида нефть, кўмир, газ ва ёғоч қаторида пахта ҳам етакчи ўрин эгаллайди.

Дехқончилик ҳар бир соҳасида бўлгани каби пахтачиликнинг ривожланиши ҳам юқори ҳосилдор, касаллик ва кескин ўзгарувчи шароитларга чидамли ва товар маҳсулотининг сифати яхши бўлган ғўза навига боғлиқ. Тажрибалар кўшимча харажат қилмай фақат истиқболли янги нав ҳисобига ҳосилни 15-20 фоизга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Ўзбекистон пахтачилик минтақасининг энг шимолий қисмида жойлашган ва кўпгина туманлар навfli дехқончилик зонаси ҳисобланади. Шунинг учун эртапишар навларни яратиш ғўза селекциясида муҳим масала бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда узоқ давом этган серёмғир баҳор буни яна бир бор тасдиқлайди. Янги иқтисодий муносабатлар шароитидаги бушунги кунла муаммо айниқса кескинлашади ва пахтакорлар эртапишар, тола сифати юқори, совуқ тушгунча йиғиштирилиб олиш мумкин бўлган навларни яратишни талаб қилишмқда.

Селекция ишининг натижа ва ютуқлари уруғчиликни тўғри ташкил қилиш билан узвий боғлиқ. Шу сабабли республикамізда пахта уруғчилигини тартибга солиш зарурати тўғрисида масала кўп марта кўтарилади, чунки бу юқори сифатли маҳсулот етиштиришнинг ишончли ва муҳим гаровидир.

Демак, хал қилиниши лозим бўлган муаммолар доираси жуда кенг. Уларни ечиш учун илмий ва ишлаб чиқариш кучларининг яқин мулоқотда бўлиши, мамлакатимиз ва чет эл ишлаб чиқариши тажрибалари, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланиш зарур. Бунда олимларни, мутахассисларни, қишлоқ хўжалиги ходимларини пахта ишлаб чиқаришдан бошлаб то маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган ахборот билан ўз вақтида ва тўғри тўла таъминланишини ташкил этиш муҳим ўрин эгаллайди.

Қизириқ тумани фермер хўжалигининг пахтачиликда рентабелликнинг кўрсаткичларининг ўзгариши, фермер хўжалигида 1 гектар ва 1 ц. ҳисобига тўғри келадиган пахта маҳсулот қиймати, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойданинг ўзгариши ҳамда 1 ц. маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгаришини 9–жадвалда кўришимиз мумкин.

9-жадвал

Пахтачиликда рентабеллик кўрсаткичи таҳлили

Мазмуни	ўлчов бирлик	2009 й	2010 й	2011 й	2011 й 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
					Фарқи (+,-)	Фоизда
Экин майдони	га	38,4	50,7	50,7	12,3	132,0
Ҳосилдорлик	ц/га	43,1	38,3	40,1	-3,0	93,0
Ялпи ҳосил	тонна	165,504	194,181	203,307	37,8	122,8
Пул даромади	млн сўм	87,72	118,45	145,97	58,3	166,4
Жами харажат	млн сўм	79,44	102,14	120,97	41,5	152,3
Маҳсулотни сотишдан олинган фойда	млн сўм	8,28	16,31	25,01	16,7	302,2
Рентабеллик	%	10,4	16,0	20,67	10,3 пункт	
1 тоннасини сотиш баҳоси	м.сўм	530	610	718	188,0	135,5
1 тоннасини таннархи	м.сўм	480	526	595	115,0	124,0
1 га қилинган харажат	м.сўм	2069	2015	2386	317,2	115,3
1 га олинган даромад	м.сўм	2284	2336	2879	594,9	126,0
1 га пахта экин майдон ҳисобига олинган фойда	м.сўм	216	322	493	277,7	228,9
1 тоннасини сотишдан олган фойда	м.сўм	50	84	123	73	246

Манба «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ҳисоботлари

9-жадвалда пахтачилик рентабеллигини кейинги уч йилда ўзгаришини таҳлили қилганимизда, фермер хўжалигида етиштирган ялпи пахта ҳосили 2011 йил 2009 йилга нисбатан 37.8 тоннага ёки 122.8 фоизга, ҳосилдорлик - 3,0 центнер ёки 93 фоизга камайган. Ялпи маҳсулот қиймати 37.8 млн. сўмга ёки 122,8 фоизга, жами ишлаб чиқариш харажатлари 41.5 млн. сўмга ёки 152.3 фоизга ошган.

Фермер хўжалигида 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ялпи пахта ҳосилининг 1 т. пахта ҳисобига таннарни, ўртача сотиш баҳоси ва фойдасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. 9-жадвал маълумотларига кўра 2011 йил 2009 йилга нисбатан 1 т. пахта таннарни 115 минг сўмга ёки 124.0 фоизга, ўртача сотиш баҳоси 188.0 минг сўмга ёки 135.5 фоизга ошган бўлиб, натижада 1 т. пахтани сотишдан олинган фойда 73 минг сўмга ёки 246 фоизга кўпайган.

1 гектар пахта экин майдони ҳисобига 2010 йил 2009 йилга нисбатан даромад 594.9 минг сўмга ёки 126 фоизга, харажатлар сарфи 317.2 минг сўмга ёки 115.3 фоизга ошган бўлиб, мос равишда 1 га пахта экин майдон ҳисобига олинган фойда ҳам 277.7 минг сўмга ёки 228.9 фоизга ошган. Бунинг натижасида сотилган пахта рентабеллиги 10.3 пунктга кўпайган.

3.3. Пахтачиликда рентабелликнинг омилли таҳлили.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхонанинг молиявий фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи нисбий коэффициентдир. У корхонанинг даромадлигини, фойдалилигини ифодалайди. Рентабеллик кўрсаткичлари корхонанинг у ёки бу ҳолати бўйича фойдалилик ёки зарарлик даражасини таърифлаш ва уларга баҳо бериш учун ишлатилади.

Рентабеллик даражаси бўйича бир сўмлик маблағлар, харажатлар ва фондлар қийматига нисбатан олинган фойданинг ҳажми аникланади. Агар ушбу кўрсаткич даражаси ошиб борса, фойдалиликнинг ошиб боришини билдиради, бу эса ўз навбатида молиявий фаолият самарадорлигини ошганлигини кўрсатади.

Фермер хўжалигида сотилган пахта рентабеллигини аниқлаш учун олинган ялпи фойда сўммасини 100% га кўпайтириб, пахта таннархига бўлмоқ керак.

Ҳисобот йилидаги ялпи фойда ҳажмини бизнес-режа бўйича кўзда тутилган фойдага ёки базис йилидаги фойда сўммасига солиштириб, унинг мутлоқ ва нисбий миқдорлардаги ўзгариши аниқланади. Бошқача айтганда ҳисобот йилидаги фойдадан базис йилидаги ёки режалаштирилган фойда сўммасини айириб, унинг ўзгариши (кўпайганлиги ва камайганлиги) аниқланади. Биз, бу ерда ҳисобот йилидаги фойданинг базис йилига нисбатан ўзгаришининг таҳлилини келтирдик.

2011 йилда пахтани сотишдан олинган ялпи фойданинг 2010 йилга нисбатан ўзгаришини (кўпайишини ёки камайишини) қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$(q_1p_1 - q_1z_1) - (q_0p_0 - q_0z_0) = \pm \Delta_{qpr}$$

бунда,

q_1, q_0 – мос ҳолда 2011 ва 2010 йилларда сотилган пахта миқдори;

p_1, p_0 –мос ҳолда 2011 ва 2010 йилларда сотилган 1т. пахтанинг ўртача сотиш баҳоси.

z_1, z_0 – мос ҳолда 2011 ва 2010 йилларда сотилган 1 т. пахтанинг таннархи.

Ушбу келтирилган формуладан кўриниб турибдики, пахтани сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгаришига бевосита қуйидаги уч омил таъсир қилади:

1. Сотилган пахта миқдорининг ўзгариши ($q_1 - q_0$);
2. 1 ц. пахтанинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши ($p_1 - p_0$);
3. 1 ц. пахтанинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши ($z_1 - z_0$).

Ялпи фойданинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» ва «Занжирли боғланиш» усуллари ёрдамида аниқлаш мумкин. Биз сотилган пахта мисолида 6-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида ялпи фойда таҳлилини «Кўрсаткичлар фарқи» усулидан фойдаланиб амалга оширамиз.

Пахтачиликдан олинган ялпи фойданинг ўзгаришига сотилган пахта миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 2011 ва 2010 йилларида сотилган пахта миқдорлари орасидаги фарқни 2010 йилда 1 т. пахтани сотишдан олинган фойда сўммасига кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$(q_1 - q_0) \cdot (p_0 - z_0) = \pm \Delta_q$$

$$(203.3-194,2) \times (610-526) = 9,1 \times 84 = 76,44 \text{ минг сўм}$$

Демак, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан сотилган пахта миқдорининг 91 центнерга ошиши натижасида пахтани сотишдан олинган ялпи фойда сўммаси 2010 йилга нисбатан 76,44 минг сўмга кўпайган. Демак, сотилган пахта миқдорининг ошиши фойда ўзгаришига ижобий таъсир қилган. Сотилган пахта миқдори билан олинган фойда ҳажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Сотилган пахта миқдори ошса, олинадиган фойда ҳам ошади, камайса-камаяди. Лекин ,фермер хўжалигида сотилган пахта миқдорининг ошиши фойда сўммасини ортишига сабабчи бўлган.

Ялпи фойданинг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни 1 т. пахтанинг ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 2011 ва 2010 йиллардаги ўртача сотиш баҳолари орасидаги фарқни 2010 йилда сотилган пахтанинг ҳақиқий миқдorigа кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб, аниқлаш мумкин:

$$(p_1 - p_0) \cdot q_1 = \pm \Delta_p$$

$$(718-610) \times 203,3 = 108 \times 203,3 = 21956,4 \text{ минг сўм}$$

$$(64200 - 53800) \times 35861 = 10400 \times 35861 = 37295,4 \text{ минг сўм}$$

Демак, 2011 йилдаги 1 т. пахтанинг ўртача сотиш баҳосининг 2010 йилга нисбатан 108 минг сўмга ошиши ялпи фойда сўммасини 21956,4 минг сўмга кўпайтирган. Ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган. Демак, ўртача баҳо билан фойда ҳажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Баҳонинг ошиши ҳар доим фойданинг ошишига олиб келади, камайиши эса камайтиради.

Фермер хўжалигида пахтачиликдан олинган фойданинг ўзгаришига 1 т. пахта таннархи ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 2011 ва 2010 йиллардаги 1 т. пахта таннархлари орасидаги фарқни 2011 йилда сотилган пахтанинг ҳақиқий миқдorigа кўпайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = \pm \Delta_z$$

$$(595-526) \cdot 203,3 = 69 \cdot 203,3 = 14027,7 \text{ минг сўм}$$

Демак, 1 т. пахта таннархи 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 69 минг сўмга ошган, натижада унинг жами ишлаб чиқариш таннархи 14027,7 минг сўмга ошган. Бу эса ўз навбатида ялпи фойдага салбий таъсир этган.

Сотилган маҳсулот таннархи билан фойда ўртасида билвосита боғлиқлик мавжуд. Таннарх қимматлашса фойда камаяди, аксинча таннарх арзонлашса фойда кўпаяди. Фермер хўжалигида 1 т. пахта таннархининг қимматлашиши умумий харажатни ошириб, ялпи фойдани шу сўммага камайтирган.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигини аниқлаш учун олинган ялпи фойда сўммасини 100 фоизга кўпайтириб, маҳсулот таннархига бўлмоқ керак. Биз бу ерда маҳсулот бир бирлиги билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар асосида рентабеллик ҳисобладик ва унинг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқладик. Ушбу ҳолатда сотилган маҳсулотлар рентабеллигини қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$P = \frac{P - Z}{Z}$$

бунда, P – 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм ҳисобида;

Z – 1 ц маҳсулотнинг ўртача таннархи, сўм ҳисобида;

$P-Z$ – 1 ц маҳсулотни сотишдан олинган фойда, сўм ҳисобида.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади:

1. Ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши;
2. Ўртача таннархнинг ўзгариши.

Рентабелликнинг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқлаш қулайроқдир.

Таҳлил таққослашдан бошланади, яъни ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасини базис йилидаги (ёки режадаги) рентабеллик даражасига солиштириб, умумий ўзгариши аниқланади.

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_{PZ}$$

Омиллар таъсирини аниқлашдан олдин «Шартли рентабеллик даражаси» аниқланади. Буни аниқлаш учун 1 ц маҳсулотни сотишдан олинган шартли фойдани базис йилидаги таннархга бўлиш керак.

$$P_{III} = \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = (718 - 526) / 526 = 192 / 526 = 0,36$$

Шундан сўнг омиллар таъсирини аниқланади.

1-омил «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши»нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун шартли рентабеллик даражасидан базис давридаги рентабеллик даражасини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_P = 0,36 - (610 - 526) / 526 = 0,36 - 84 / 526 = 0,36 -$$

0,16 = 0,206

2-омил «Ўртача таннарх ўзгариши»нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасидан шартли рентабеллик даражасини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_Z = (718 - 595) / 595 - 0,36 = 123 / 595 - 0,36 = 0,2 - 0,36 = -0,16$$

ёки 16%

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси сотилган маҳсулотлар рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{PZ} = \Delta_P \pm \Delta_Z = 0,20 - 0,16 = 0,04$$

Энди, юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, пахтачилик рентабеллигининг омилли таҳлилини 10-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

Пахтачилик рентабеллигининг омилли таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис йили	ҳисобот йилидаги ўртача баҳо ва базис йилидаги	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Шу жумладан ўзгариши	
					Баҳо ҳисобига	Таннарх ҳисобига
1 т пахтанинг ўртача сотиш баҳоси, м.сўм	610	718	718	108	х	х
1 т пахтанинг ўртача таннархи, м.сўм	526	526	595	69	х	х
1 т пахтани сотишдан олинган фойда,м. сўм	84	104	123	+39	х	х
Рентабеллик даражаси, %	16	18	20,67	4,67	20	-16

Манбъа «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ҳисоботлари

Жадвалдан кўриниб турибдики, сотилган пахта рентабеллиги ҳисобот йилида 20,67 % ни ташкил қилган бўлиб, у ўтган йилга нисбатан 4,67 % га ошган.Бошқача айтганда 1 сўмлик харажат ҳисобига базис йилида 16 тийинлик, ҳисобот йилида 20,67 тийинлик фойда олинган,

Ушбу ўзгариш баҳонинг ижобий таннархининг салбий таъсири остида пайдо бўлган. Ўртача сотиш баҳоси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 108 сўмга ёки 119,9 фоизга ошган. Натижада шу омил ҳисобига рентабеллик даражаси 129,2 фоизга ошган.

1 т. пахтанинг ўртача таннархи ҳисобот йилида базис йилига нисбатан 69 м. сўмга ошган. Таннархнинг ошиши фойданинг камайишига, рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади. Демак, таннархнинг 69 сўмга ошиши рентабеллик даражасига салбий таъсир қилиб, уни 16 фоизга пасайтирган.

Рентабелликни оширишнинг асосий резерви бўлиб, таннархни пасайтириш ҳисобланади. Агар таннарх ҳисобот йилида нисбатан пасайганида рентабеллик 20,67 фоиз ўрнига ундан юқори даражани ташкил қилган бўлар эди, оқибатда фойдалилик ошар эди.

Сотилган маҳсулотларнинг барча турлари бўйича рентабеллик даражасининг ўзгаришини (масалан, ғаллачилик, сабзавотчилик маҳсулотлари ва бошқалари бўйича) таҳлил қилиш тартиби сотилган пахта рентабеллигининг таҳлилидан фарқ қилмайди, шунинг учун ҳам улар бўйича рентабеллик таҳлилини юқорида сотилган пахта рентабеллиги таҳлилида баён қилинган қоида ва услардан фойдаланиб амалга ошириш керак. Шунинг учун юқоридаги кўрсаткичлар бўйича уларнинг таҳлили ёритилмади.

Ушбу тахлилий ҳисоб китоблардан маълумки, фермер хўжалигида пахтани сотиш рентабеллигини ошириш имкониятлари бўлиб, сотилган пахта бўйича харажатлар даражасини пасайтириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига уртача сотиш баҳоси даражасини кескин кутариш ҳисобланади.

4-боб. Пахтачиликда рентабелликни ошириш имкониятлари.

4.1.Пахтачиликда маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларидан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий кўрсаткичлардан бири бўлган маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобланади. Демак, ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини камайтириш ва маҳсулот таннархи даражасини пасайтириш, самарадорликни оширишнинг асосий имкониятларидан биридир. Таннархнинг пасайиши фойданинг кўпайиши ва рентабелликнинг ошишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми динамикасини ҳамда ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари таннархи даражаси динамикасини узлуксиз равишда таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки таҳлил туфайли харажатларни камайтириш ва таннархни пасайтириш имкониятлари аниқланади, натижада улардан фойдаланиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқилади.

Таннарх деб, маҳсулот етиштириш учун сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатларининг пул шаклида фойдаланишига аталади.

Маҳсулот таннархини ўрганиш асосида уни пасайтириш имкониятларини аниқлаш таҳлилнинг мақсадидир. Ушбу мақсадга таҳлил қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш орқали эришади:

1. Маҳсулот таннархи даражасини ўрганиш ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини аниқлаб баҳо бериш;
2. Маҳсулот таннархи таркиби, таркибий тузилишининг ўзгаришини ва ҳар бир харажат моддаси бўйича ўзгаришини омилли таҳлил қилиш ҳамда баҳо бериш;
3. Таннархни пасайтириш имкониятларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш.

Асосий маҳсулот бирлигининг таннархи жами ишлаб чиқариш харажатларининг тайёр маҳсулот миқдорига бўлиш орқали аниқланади.

$$Z = \frac{ИХ}{ЯМ}$$

Бунда, Z – 1 центнер маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи (сўмда);

$ИХ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатлари сўммаси (сўмда);

$ЯМ$ – ялпи маҳсулот миқдори (ц ёки бошқа ўлчов бирлигида).

Харажатларнинг шаклланиши босқичларига қараб таннарх технологик таннарх ва ишлаб чиқариш таннархига бўлинади.

Технологик таннархга маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган, шунингдек ишлаб чиқаришни бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Ишлаб чиқариш таннархи технологик таннархнинг йиғиндисини ҳамда ишлаб чиқаришни бутунлай бошқариш билан боғлиқ харажатларнинг йиғиндисини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархини аниқлаш тармоқнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Бундай хусусиятлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Дехқончиликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик цикли, шунингдек иш вақти ва ишлаб чиқариш вақтининг мос келмаслиги маҳсулот таннархини ҳисоблашни фақат хўжалик тутагандан кейин амалга ошириш кераклигини кўрсатади.

Туғалланмаган ишлаб чиқариш сўммасини аниқлаш фақат йил охирида январ ҳолатига аниқланади. Бу харажатларга келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатлар киради.

Ҳақиқий таннарх фақат йил охирида аниқланади, йил давомида эса олинган маҳсулотлар режа таннархи билан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча асосий ва ёндош маҳсулотлари бўйича таннарх ҳисобланади.

Алоҳида маҳсулот турлари бўйича таннархни ҳисоблашда даставвал асосий, ёндош ва қўшимча маҳсулотларнинг турлари бўйича миқдори аниқланади. Аммо, ҳар бир маҳсулот тури бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобини алоҳида ташкил қилиб бўлмайди. Шунинг учун барча турдаги маҳсулотлар ўртасида ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади:

1. Харажатларни бевосита маҳсулот турларига олиб бориш.
2. Алоҳида қишлоқ хўжалик экинлари турлари, маҳсулотлари бўйича, ҳайвонлар маҳсулотлари бўйича, турлари учун умумий бўлган белгилар бўйича харажатлар олинадиган маҳсулот турлари учун умумий бўлган белгилардан бирининг миқдори аҳамиятига мос равишда тақсимланади.
3. Алоҳида турдаги маҳсулотларни олишга кетган харажатларни экспертлар йўли билан баҳолаш ва уларни маълум бир кўрсаткичларда акс эттириш.
4. Маълум бир экиндан олинган маҳсулотлар тури бўйича харажатларни марказлашган тартибда ўрнатиладиган иқтисодий жиҳтадан асосланган коэффициентларни қўллаш ёрдамида, центнер – коэффициент ва бошқа шартли бирликларнинг миқдорига мос тақсимланади. Уларни аниқлашда маҳсулот турларидан бирининг бирлигига тўғри келадиган харажат бир деб қабул қилинади, бошқа маҳсулотлар бирлигига қилинган харажатлар шу бирликка нисбатан олиниб коэффициент кўринишида ифодаланади.
5. Харажатлар маҳсулотни сотиш баҳоси бўйича баҳолангандаги маҳсулот қийматига мос тақсимланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш, ҳар бир турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинаётган иқтисодий самарали тўғри аниқлашга олиб келади. Шунинг учун ҳар бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни тўғри аниқлаш ҳар бир харажат объекти бўйича ҳисобга олиб борилган харажатларни калькуляция объектлари ўртасида тегишли тартибда

тақсимлаш зарур. Харажатларни қайси экин турига, чорва моли турига ёки иш, хизмат турига олиб бориладиган бўлса, ўша харажат объекти дейилади. Ўсимликчилик тармоғи харажат объектлари бўлиб қишлоқ хўжалик экинлари, қишлоқ хўжалик ишлари, туғалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқа объектлар ҳисобланади.

Пахта таннархини харажат моддалари бўйича таҳлил қилишда ҳар бир харажат моддасининг салмоғи, унинг олдинги (базис) йилидагига нисбатан ўзгариши таҳлил қилинади ва шу асосда тегишли хулосалар қилиниб, таклифлар берилади. Шу билан бирга ҳар бир харажат турининг белгиланган меъёрларга мослиги, меъёрлардан четланиши ҳам кўриб чиқилиб, тегишли хулосалар қилинади.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда харажатлар турлари бўйича, яъни харажат моддалари бўйича ҳисобга олиб борилади. Пахтачиликда харажатлар қуйидаги харажат моддалари бўйича гуруҳланади:

1. Меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга.
2. Ўғитлар.
3. Ёқилғи ва мойлаш материаллари.
4. Уруғлик.
5. Иш ва хизматлар.
6. Асосий воситалар амортизацияси.
7. Суғурта тўловлари.
8. Умумишлаб чиқариш харажатлари.
9. Бошқа харажатлар.

Таннарх таркибидаги ҳар бир харажат моддасида ўз аксини топган харажатлар ҳажмининг ўзгариши ҳам экстенсив, ҳа интенсив омиллар ҳисобига содир бўлади. Бу омилларни миқдор ва сифат омиллари деб ҳам аташ мумкин. Шу икки омил кўпайтмасининг йиғиндиси ҳар бир моддадаги харажатлар ҳажми (сўммаси)га тенг бўлади. Демак, омиллар таъсирининг

йиғиндиси ҳам ҳар бир моддада харажатлар ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг бўлиши шарт.

Фермер хўжалигида пахта таннархини харажат моддалари бўйича кўриб чиқамиз. (11-жадвал).

11-жадвал

Фермер хўжалигида пахта таннархининг харажат моддалари бўйича таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 й	2010 й	2011 й	2011 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
					фарқи (+,-)	%
Экин майдони	га	38,4	50,7	50,7	12,3	132,0
ялпи ҳосил	Центнер	1655,0	1941,8	2033,1	378,03	122,8
Ҳосилдорлик	ц/га	43,1	38,3	40,1	-3	93,0
Харажатлар хаммаси	минг сўм	79442	102139	120968	41525,7	152,3
Тўғри меҳнат хаки	минг сўм	25612,1	33705,9	41129,01	15516,9	160,6
Угитлар	минг сўм	11439,6	14708	16209,67	4770,0	141,7
Уруглик	минг сўм	6832,01	8783,97	10403,22	3571,2	152,3
Иш-хизматлар	минг сўм	9533,03	8171,14	9677,413	144,4	101,5
ЁММ	минг сўм	17334,2	25024,1	29637,08	12302,9	171,0
Соликлар	минг сўм	5592,71	7762,58	9193,543	3600,8	164,4
Умум ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	3098,23	3983,43	4717,739	1619,5	152,3

Манба «Nurmon bobo» фермер хўжалиги ҳисоботлари

11-жадвалда пахта таннархини харажат моддалари бўйича таққослама таҳлилини ўрганганимизда, жами пахтачилик ишлаб чиқариш харажатлари

2011 йилда 2009 йилга нисбатан 41525,7 м. сўмга ёки 152,3 фоизга ошган. Бу кўпайиш 2011 йилда меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга 41129,01м. сўмга ёки 160,6 фоизга, минерал угитлар 16209,67 минг сўмм ёки 152,3 %, чигит харажатларини 10403,2 м.сўмга ёки 152,3 фоизга, ёқилғи ва мойлаш материаллари харажатларини 2963708 м.сўмга ёки 171 фоизга, соликлар 9193,5 м. сўм ёки 164,4 фоизга, умум ишлаб чиқариш харажатлари 4717,7 м. сўмга ёки 152,3 фоизга ошиши ҳисобига бўлган.

Умумий ҳолда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида пахтачиликда маҳсулот таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- Импорт қилинадиган ресурслар нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш;
- Маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш даражасини ошириш;
- Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларни тугатиш;
- Материаллар сарфи меъёрларини пасайтириш;
- Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;
- Маъмурий бошқарув ходимлари сонини қисқартириш.

4.2.Пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида пахтачиликда меҳнат унумдорлигини оширишда қўйидаги ишларни механизация даражасини кўтариш ҳисобига меҳнат сиғими пасайтириб меҳнат унумдорлигини кескин ошириш мумкин:

Ёўзари ягоналаш, тўлиқ кўчат бўлмаган майдонларга қўлда чигит кадаш, далаларни бегона ўтлардан тозалаш, қатор ораларини кетмон билан юмшатишга 300-350 киши-соат сарфланади. Бу ишларни бажаришда меҳнат сарфиётини кескин камайитириш ёўзани аниқ белгиланган юзага экувчи сеялкалар билан экиш юқори самара беради, юқорида кўрсатилган ишларни ҳажми қисқаради, меҳнат сарфини 2-3 марта камайитиришга шароит яратади.

Пахтачиликда ҳосилга бевосита таъсирэтувчи ва сермехнат жараён пахтани ривожланиш даврида суғориш ва у билан боғлиқ ишларни сифатли бажариш ҳисобланади. Ғўзани ўсиш даврида 4-5 марта суғориш, ўқ-арикларни очиш ва ёпиш ишларни бажаришга 180-200 киши-соат сарфланади. Бу технологик жараёнларда меҳнат сиғимини пасайтириб меҳнат унумдорлигини ошириш ёмғирлаб ёки томчилаб суғориш тизимини жорий этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда табиий ресурсдан яъни, сув ресурсидан ҳам самарали фойдаланиш ҳам мумкин.

Буни АҚШ, Израил ва бошқа мамлакатлар тажрибаси ҳам исботлайди. Уни жорий этишда катта миқдорда капитал қуйилмалари талаб қилади. Лекин, бу технологияни жорий қилишда фермер хўжаликларнинг молиявий имкориятлари йўқ. Истикболда уни амалга ошириш юқори самара беради. Чунки, меъёрий суғориш сув нормаси 1,5-2 марта камаяди, суғориладиган деҳқончиликни интенсив ривожлантириш даражасини кескин кўтариш учун реал шароит яратади.

Фермер хўжаликларда ғўзанинг юқорилаб ўсишини пасайтириш, ҳосилни етилишини тезлаштирилади. Бу жараёни амалга ошириш учун уни чилпиш лозим бўлади. Бу чилпиш учун 15-20 киши-соат сарфланади. Бу жараёни мавжуд механизмлар билан бажарилса меҳнат сиғими пасайиб меҳнат унумдорлиги 8-10 марта ошади, уни бажариш муддати қисқаради.

Фермер хўжаликларда ҳар бир гектар пахта экинига бевосита сарфланган киши-соатнинг 50 фоизидан кўпроғи далани теримга тайёрлаш ва уни амалга оширишга сарфланади. Бу технологик жараён қўлда ва қўл қуроллари билан бажарилади. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларида меҳнат унумдорлигини ошириш, даставвал, бу жараёнда мавжуд механизмлардан фойдаланишга бевосита боғлиқ.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра пахта ҳосилини машинади териш қўл теримига нисбатан меҳнат унумдорлигини камида 4-5 марта оширади. Лекин, бу машиналарнинг баҳоси юқорилиги, амартизация ажратмаларнинг юқоррилиги, ёқилғи мойлаш материаллари ҳамда эҳтиёт

қисимларнинг қимматлилиги маҳсулот таннархининг ошишига сабаб бўлади. Бунинг учун мамлакат томонидан ушбу механизмларни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган имтиёзларни жорий қилиниши ва қуллаб-қувватлашлари лозим бўлади.

Келгусида пахта ҳосилини машиналар ёрдамида термасдан туриб тармоқда меҳнат унумдорлигини кескин ошириб бўлмайди. Ерларни келгуси йил ҳосили учун тайёрлаш ишлари кечигишига сабаб бўлади. Натижада пахта ҳосилдорлигига таъсир кўрсатма қолмайди. Бундан ташқари пахтанинг сифатига таъсир кўрсатиб уларнинг баҳоси тушиб кетади.

Демак, хўжалик шароитида пахтачиликда меҳнат сиғимини пасайтириш ёки меҳнат унумдорлигини ошириш технологик жараёнларни механизациялаш дааражасини кўтариш билан бевосита боғлиқ. Бундан ташқари ишларни қўл қуроллари билан бажаришда прогрессив усуллардан фойдаланиш керак. Масалан: яхши пишган пахта пахта ҳосилини 3-4 марта териб олиш зарур. Биринчи теримни 35-40 фоиз ҳосил очилганда, иккинчи теримга қолган ҳосилнинг 35-40 фоизи очилганда, учунчи терим иккинчи теримдан кейиндан-кейин 10-15 кун ўтгач амалга оширилса, қўл теримида ҳам меҳнат унумдорлиги ошади, ҳосилнинг сифати бузилмайди. Ваҳоланки хўжаликда 5-6 марта қўл терми амалга оширилади.

Ўғзани суғориш ишларини мутахассислар томонидан бажарилса меҳнат унумдорлиги ошади, суғориш сифати яхшиланади ва ҳосилдорлик ошади.

Меҳнат сиғимини пасайтиришда пахтачиликда гектаридан олинган ҳосил миқдори ва унинг сифатига ҳам боғлиқдир. Истиқболда пахта ҳосилини ошириш учун алмашлаб экишни яъни экинлар навбатлашувини жорий этиш зарур, фақат экинларни навбатлашуви илмий асосда ташкил этилсагина, тупроқ унумдорлигини сақланади, ерлар касаллик манбаларидан бири бегона ўтлардан тозаланади, уларга қарши кураш харажатларини камайтиришга шароит яратади. Ҳозирги кунда аксарият ҳолларда хўжаликларда ўғза ва ғалла экинларини алмашлаб экиш амалга оширилмоқда. Пахтачиликда меҳнат сиғимини пасайтиришда маҳсулот

сифатини яхшилаш, бинобарин, унинг сотиш баҳоларини ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Истикболда унинг сифатини ва сотиш баҳосини янада кўтариш долзарб муаммолардан бири Уларни амалда бажарилиши пахтачиликда банд ходимларнинг меҳнат ҳақи, пенсия ва бошқа тўловларни ошириш учун шароит яратади.

Меҳнат унумдорлигини оширишда ишчи ва хизматчиларнинг мутахасислик малакасини ошириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив шаклларида фойдаланишга ҳамда моддий манфатдорликка боғлиқдир.

Хўжаликларда нисбатан юқори ҳосил олинади, кўпчилик технологик жараён механизмлар ёрдамида бажарилади. Банд ходимларни моддий манфатдорлигини ва жавобгарлигини ошириш мақсадида хўжаликда ишловчи ишчига экин майдони беркитилган. Аммо, хўжаликда меҳнат унумдорлиги бинобарин, унга ҳақ тўлаш, иш кучини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш имконини бермайди. Агар пахтачиликда банд ҳар бир доимий ишчи камида бир жон бошига зарурлигини ҳисобга олсак, унда ҳар бир пахтакор ишчининг меҳнат ҳақи 180 минг сўмга тенг бўлиши лозим. Бу харажатни 2010 йилдаги ўртача ойлик билан солиштирадиган бўлсак 4-5 марта кўпдир.

Демак, 2010 йилда пахтачиликда банд бўлган доимий ишчининг моддий манфатдорлигини ошириш учун ўртача ойлик реал меҳнат ҳақини камида 4-5 марта ошириш лозим. Бу вазифани амалга ошириш ўта мураккаб масала. Чунки, бунинг учун пахтачиликда меҳнат унумдорлигини 10-12 марта ошириш керак бўлади, технологик жараёнларни комплекс механизация этиш зарурияти келиб чиқади. Ундан ташқари давлат томонидан пахта экин майдони ҳисобига сарфланган ресурс харажатлар ёки моддий ресурслар баҳосидан келиб чиққан ҳолда пахта хом ашёсининг навлар бўйича сотиб олишни тўғри ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирга кунда фермер хўжалиги билан давлат эҳтиёжи учун сотиб олинadиган асосан пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ контрактция шартномаларнинг бажарилмаслиги бу маҳсулотларни етиштириш жараёнида моддий манфатдорликнинг паслигидадир.

Пахтачиликда моддий манфатларни оширишнинг асосий имкониятларидан бири бу пахтачиликда меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилиш лозимлиги, яъни “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасида фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун хўжжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига биноан пул таризида ҳам, натура тариқасида ҳам амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Лекин, хўжаликларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг натура ва қиймат кўриниши тўлиғича хўжатда акс этмаган.

Истикболда пахтачилик ва бошқа тармоқларида ишчиларнинг меҳнат ҳақи товар маҳсулотларини сотиш баҳоларини кўтариш имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ҳам эришилади. Нафақат номинал меҳнат ҳақи, реал меҳнат ҳақини ошириш пахтачиликда долзарб муаммо ҳисобланади. Уни барқарор иложи борица, тез муддатларда эришиш мақсадга мувофиқдир.

4.3. Пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш имкониятлари.

Республикамизда 1230 минг гектар ер шўрланган. Улардан 43 фоизи кучсиз, 40 фоизи ўртача, 17 фоизи кучли даражада шўрланган. Охирги даврларда ерларнинг шўрланиш даражаси янада ортиб бормоқда. Шу сабабдан ҳам пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада пасайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, шўрланмаган ерлардагига нисбатан, кам шўрланган тупроқларда пахта ҳосили 20-30 фоиз, ўртачасида 40-60 фоиз, кучли шўрланган ерларда 70-80 фоиз камаяди. Шунга кўра, мўл ҳосил олиш учун ўсимлик илдизлари борган тупроқ қатламларидаги ортиқча тузларни йўқотиш керак. Бунга фақат яхоб суви бериш билан эришилади.

Тупроқнинг энг яхши хусусиятларидан бири унинг унумдорлиги, яъни унинг ҳосил етиштириш қобилиятидир. Тупроқнинг нечоғли унумдорлиги унинг қай даражада ғоваклиги ва таркибидаги чиринди (гумус) миқдорининг юқорилигига боғлиқ. Биз ердан олаверса-гу ҳеч-йўқ ўрнини коплаш даражасида ҳам қайтармасак, йилдан-йилга тупроқнинг унумдорлиги пасайиб бораверади. Олимларимизнинг таҳкидлашича, кейинги 30-40 йил мобайнида тупроқларда гумуснинг умумий захираси 40-50 фоизга камайди.

Тупроқнинг унумдорлиги бирдан-бир буюк бойлик. Инсон манфаати учун ундан оқилона ва тўғри фойдаланиш лозим. Унинг унумдорлигини сақлаш ва тобора ошириб бориш деҳқонларнинг доим эътиборида бўлиши зарур.

Ерга органик ва минерал ўғитлар билан ишлов бериш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унинг ғоваклигини оширувчи шудгорлаш ва бошқа тадбирлар тупроқ унумдорлигини оширувчи агротехник тадбирларнинг энг муҳимидир. Чунки бу тупроқнинг ҳолати яхши бўлишини, унинг унумдорлиги ортишини ва пахтадан мўл ҳосил олишни таъминлайди.

Минерал ўғитлар самарасини ва тупроқ унумдорлигини кўпайтиришнинг яна бир синалган воситаларидан бири дуккакли экинлар, айниқса беда экиш ҳамда гўнг ва бошқа органик ўғитларни қўллашдир.

Тупроқнинг зичланиши, унда физик-механик, сув-ҳаво, иссиқлик хусусиятлари, тупроқнинг биологик активлиги ва озика режими каби кўрсаткичларига ўта ноҳуш таҳсир этувчи ҳодисадир. Чунки тупроқнинг сув ютиши ва ҳаво айланишини таъминловчи омил бу унинг ғоваклигидир. Юқори ҳосил оламан деган деҳқон, биринчи навбатда ер таркибида чиринди миқдорини ошириши, ернинг хайдов қатламини чуқурлаштириб, унинг ғоваклилик фоизини ошириши зарур.

Тупроқ зичлашганда, сувнинг сингдирувчанлиги, ўсимликка лаёқатли намлик, тупроқдаги енгил ажралувчи азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калийларнинг нормал шароитдагига нисбатан камайишига

сабаб бўлади. Яъни ўсимликнинг оғзи боғланиб қолади. Бундан ташқари, ғўза илдизларининг қатламларга чуқурроқ кириши ва таралиб ўсишига тўсқинлик қилади.

Демак, хайдалма қатлам остининг ўта зичланиши биринчи навбатда илдизнинг ривожланиши ва фаолиятига таҳсир этиб, илдиз орқали ғўза ер устки қисмларининг ўсиши, ривожланиши ва мева органларининг тупланишига кучли салбий таҳсир кўрсатади. Зичланиш қанча кам бўлса, ғўзалар шунча серавж бўлиб ўсади ва кўп кўсак тўплайди. Зичланиш катта бўлгани сари ғўзалар нимжон бўлиб, кам кўсак йиғади. Бор кўсаклар ҳам тош босмайдиган енгил пахталарни пиширадики, кўсаклар сони бўлгани билан, кутилган ҳосилни бермайди. Сабаби, бир кўракдан очилган пахта 5-6 грамм ўрнига, аранг 2,5-3 грамм тош босади холос. Бу - ҳосилдорлик паст бўлишининг биринчи, асосий сабаби.

Мўл пахта ҳосили етиштиришда, далаларни текислаш асосий омил ҳисобланади. Далалар юзаси қанча нотекис, паст-баланд, ўнқир-чўнқир бўлса, ёғин-сочин сувлари, шунингдек нам тўплаш, шўр ювиш сувлари берилганда дала бир текис намланмайди ва тузлардан яхши тозаланмайди. Шу сабабли экилган чигитлар ола бўлиб униб чиқади. Вегетация давридаги суғоришда ҳам пастликлар ўта захлайди, баланд жойлар қониб сув ичмайди. Оқибатда сув мўллиги ва меҳнат сарфига қарамасдан, ғўзалар нотекис ривожланади, ҳосил эса кам олинади.

Кузги-қишки ёғин-сочин кам бўладиган ва ер ости суви чуқур жойлашган ерларда, чигитни эрта ва бир текис ундириб олиш учун тупроқнинг зарур намлигини сақлаб қолиш тадбирлари деҳқоннинг асосий вазифаси ҳисобланади. Деҳқонларимизнинг азалий тажрибаларидан маҳлумки, ерлар шудгор қилинган ёки қилинмаган тақдирда ҳам яхоб ёки 20 ноябрдан 2 декабргача қавс суви билан суғорилган. Бу суғориш чилла олдидан берилгани учун, ернинг пастки қатламларига сингиб бориб, тупроқнинг анча чуқур қисмигача музлашига имкон берган. Бу тупроқда экиш олдидан керакли намликнинг таъминлаши билан бирга, яхши музлаган

ерда ернинг ғоваклик ортиши, тупрокда кишлаётган кўп зараркунандаларнинг қирилиб кетишига ва баҳзи бегона ўтлар уруғининг музлаб қолиб, униб чиқиш хусусиятини йўқотишига сабаб бўлади.

Кўп дехқонлар ер ости суви чуқур жойлашган, кучли шамоллар таъсирида ернинг устки қисмда тез намини қочирадиган ерларда, унинг намини сақлаш учун бериладиган суғоришнинг ўрнига, чигитни нам суви бериш билан ундириб олишни афзал кўришади. Лекин шуни унутмаслик керакки, чигит суви тупрок ҳароратини анча пасайтиради, ниҳолларнинг униб чиқишини кечиктиради, илдиз чириш касаллигини тарқатади, ёш ниҳоллар тупрокдаги озик моддалар ва намликдан тўлиқ баҳраманд бўлмайди. Натижада ғўза майсалари нимжон бўлиб, ривожланишдан анча орқада қолади.

Чигит суви билан чиққан ғўза ўсишнинг дастлабки даврлариданок сернам шароитга мосланиб қолганидан, кейинги даврларда ҳам тез-тез суғориб туришни талаб этади. Тез-тез суғориш эса ғўзани ғовлатиб юборади, борди-ю салгина сувдан қолса, шона ва тугунчаларни кўплаб тўкиб юборади. Шу сабабли чигитларни мумкин қадар чигит суви бермасдан, тупроқнинг ўз намига ундириб олишга ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун эса чигит экилгунига қадар тупрокдаги зарур намликни тўплаш ва сақлаб туриш учун барча чораларни кўриш, энг асосийси, чигит экишнинг энг қулай муддатларини бой бериб қўймаслик ҳосилдорликнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Ўрта толали ғўза навлари чигити етарли намликка эга бўлган, яхши тайёрланган тупроққа экилганда ҳарорат 11 даражадан ортиши билан уна бошлаб, ҳарорат 15 даража бўлганда ёш майсалар ер бетига ўсиб чиқади. Бунинг учун тупроқнинг ўртача ҳарорати баҳорда мустаҳкам 10 даражага ўтганда чигит экиш бошланса, бунда у 11 даражадан юқори бўлган кундузги ҳароратдан фойдаланиш ҳисобига ўса бошлайди. Натижада чигит эрта баҳордаги ҳар бир даража иссиқликдан самарали фойдаланиб, барвақт униб чиқади, ривожланиш фазалари тез ўтади ва ғўза эртаги бўлади. Эрта унган

нихолларда кечки муддатда униб чиққан нихолларга нисбатан, тупи бақувват, қисқа бўғинли, ҳосил шоҳлари бош поянинг пастки бўғинларидан чиқадиган, серавж ва серҳосил бўлади.

Шунинг учун барвақт ва мўл ҳосил оламан деган деҳқон баҳорнинг ҳар дақиқаси қимматли эканлигини билиши ва бу имкониятни бой бермасдан чигит экишни иложи борича қисқа муддатларда тугатиши зарур.

Лекин шошма-шошарлик билан ҳарорати 11 даражадан паст бўлган совуқ тупроққа чигит экиш ҳам ярамайди. Бунда ҳарорат етишмаслиги сабабли чигит тупроқда узоқ қолиб кетади. Айниқса, тупроқ нами ортиқроқ бўлса, чигитлар чириб, ғўзалар сийрак униб чиқади. Бунда керакли туп сонларини таъминлай олмасдан, кўпинча чигитни бузиб экиш ёки хатосига экишга тўғри келади.

Сийрак ҳамда меъёридан қалин экилган ғўзалардан юқори ҳосил кутиб бўлмайди. Ғўзанинг нав хусусиятига ва ер шароитига кўра, гектаридан энг кўп ҳосил бериш имкониятини яратадиган туп сонларинигина қолдириш керак. Агар баъзи сабабларга кўра туплар сони белгиланган меъёрдан кам бўлса, ўз вақтида оласини экиб, керакли туп сонларини сақлаб қолишга эришиш зарур. Шундагина кутилган ҳосилни етиштириш учун асос яратилади. Ҳар гектар ерда 100-120 минг дона кўчат сақлаб қолинганида ҳам, гектаридан 40-45 центнердан ҳосил кўтарилишига имкон яратилади.

Ҳосилдорликни оширишда озиқлантириш асосий ролни ўйнайди. Бунинг учун сиз ғўзанинг ўса бошлаган дастлабки ривожланиш давриданок, етарли миқдорда озиқ-моддалар билан таҳминлаб турсангиз, кўп ва бар-вақт ҳосил тугадиган бўлади.

Бир тонна чигитли пахта етиштириш учун, ер шароитига қараб соф ҳолда: 40-50 килограмм азот, 12-20 килограмм фосфор, 40-48 килограммгача калий сарф бўлади.

Ўрта толали пахта етиштиришда минерал ўғитларнинг ўртача илмий асосланган меъёри (кг/га, 100% соф модда ҳисобида) қуйидагича: N -215 - 240 килограмм, P - 145 - 165 килограмм K - 150 - 180 килограмм.

Ўғитни берган билан, ўсимлик албатта ўзига олавермайди. ўз вақтида, меъёردаги сув билан ғўза танасига ўтказишга ҳаракат қилиш керак. "Сув ғўзанинг қони", деган боболар. Суғоришни ўз вақтида, керакли микдорда ва сифатли қилиб амалга оширилсагина, ғўза бўлиқ, қиска бўғинли, "қайчи барг" бўлиб ўсади, бу билан сувнинг самараси ортади, у мўл ҳосил учун хизмат қилади.

Сувнинг ортиқча берилиши эса ғовлаб, кам ҳосил бўлиб қолишига, чанқатиб юбориш эса, бор шоналарнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар гектар ердаги ғўзанинг суғоришдаги сарф этиладиган умумий сув микдорини ёки мавсумий нормаларини, нав хусусиятларига қараб мутахассислар маслаҳатлари асосида белгилашингиз керак.

Вегетация давридаги сув сарфларини аниқлашда, ер ости сувининг жойланиши ва иссиқлик ҳароратининг кўтарилиши ҳамда бошқа омиллар ҳисобга олинади. Олимларнинг кўрсатмаларига кўра, талаб этиладиган сув нормаси ғўзанинг ривожланиш даврларига қараб қуйидагича фойизларда белгиланган. Кўкариб чикканидан то шоналагунига қадар 6-10 фойиз, шоналашдан то гуллагунига қадар 12-16 фойиз, гуллаш давридан то етилгунга қадар 55-65 фойиз ва етилиш даврида 16-20 фойизни ташкил этмоғи керак.

Пахта ҳосилдорлиги асосан ғўзанинг ер усти ва томирларнинг ҳолатига боғлиқ. Томирларнинг қанча кенг тарқалганлигига қараб, ер усти танаси ва ҳосил белгиланади.

Аслида биологик қонуниятларга кўра, ўсимликнинг ер устидаги танаси қанча ҳажмни эгалласа, ер остидаги илдизлар ҳам шунча ҳажмга тарқалиши кераклигини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам, ғўза парваришини агротехника талаблари даражасида олиб бориш, яҳни бегона ўтларга, касаллик ва зараркунанда ҳашоратларга қарши курашиш ҳамда қатор ораларига ишлов бериш тадбирларини кечиктирмай амалга ошириб бориш зарур.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳосилни барбод қилувчи асосий омил, бу зараркунанда ҳашоратлардир.

Бизнинг шароитимизда, ғўзага 200 дан ортиқ ҳашорат ва каналар зарар келтиради. Бизга таниш бўлган зараркунандалардан ўргамчиккана, ҳар-хил битлар, қандалалар, теплица оққанотлари, трипслар, тунламлар, бузоқбоши ва ҳар-хил кўнғизлар, чигиртка ва бошқа кўплаб ҳашаротлар мавжуд. Улар ҳосилдорликни 50-60 фоизгача камайтириб юборади. Охирги пайтларда, айниқса оққанотлар, ширалар ва кўсак куртларининг зарарлари оқибатида ҳосилнинг асосий қисми йўқотилмоқда. Ғўзанинг бундай зараркунандаларига қарши курашишда, сиз доимо бу соҳадаги мутахассисларнинг маслаҳатларига таянинг. Бегона ўтлар ва касалликлар туфайли ҳам ҳосилнинг талайгина қисми йўқотилади. Бегона ўтларга қарши курашишда ўтоқ ва чопиқ қилишда ғўзанинг томирлари анчайин зарарланади. Шунинг учун бу борада энг яхши самарали йўл - гербицидлар билан ишлаш эканлигини унутманг.

Пахта терими олдида ғўза баргини сунъий тўктирмаслик, ҳосил органларининг етилиши чўзилиб кетишига йўл қўйиш йил бўйи қилинган меҳнатнинг зое кетишига сабаб бўлаётган энг катта хатоликдир.

Аммо ҳалигача дефолиация қилинганда анча ҳосил тўкилиб исроф бўлиб кетади, дея нотўғри фикрловчилар орамизда кўплаб топилади. Агар деҳқон, бир шона ёзги ҳароратда 60-70 кунда кўрак бўлиб очилишини билганида эди, сентябр ойининг ўртасига қадар егилган бор ҳосилни эрта йиғиб териб олишга ҳаракат қиларди. Тўғри дефолиация ўз вақтидан эрта, ўтказилса, ҳосилнинг кўплаб нобуд бўлишига ва чигит сифатининг бузилишига сабаб бўлади. Аммо, ўз вақтида ва сифатли ўтказилганда эса, очилмаган кўракларнинг ҳам ривожланиши тезлашиб, пахтани юқори навларга сотиб, деҳқоннинг даромади ошади.

Пахта терими олдида барглар сунъий равишда тўктирилса, ғўза қатор ораларидан шабада ўтиши яхшиланади, ўсимлик атрофида ҳавонинг нисбий намлиги камаяди, қуёш нури кўсакларга яхши тушади, уларнинг барвақт етилиши ва очилишида фойдали таҳсир этади.

Вўза тупида баргларнинг кўп бўлиши, ҳавонинг ерга яқин турган қатламида намликнинг ортиб кетишига, кўсаклар димиқиб, очилиши кечикишига, хатто айрим ерларда пахтани чиритадиган бактерия ва замбуруғларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлади. Айниқса ҳали қишлашга кириб улгурмаган ширалар ва бошқа зараркунандаларнинг дефолиация натижасида йўқолиб кетишидан кейинги йилги ҳосилингизга ҳам етарли имкониятлар туғилади.

5-боб. Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари

5.1. Иқтисодий ахборот тушунчаси

Дастлабки пайтларда ахборот деганда одамлар бир-бирига оғзаки, ёзма ёки бошқа усулда, яъни шартли сигналлар, техник воситалар ва шунга ўхшашлар ёрдами билан узатиладиган хабар ва маълумотларни тушунган. XX асрнинг урталаридан бошлаб ахборот умуммиллий тушунча бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

одамлар орасида, одам билан автомат орасида, автомат билан автомат орасида ахборотлар алмашинуви;

- ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида сигналлар алмашинуви;
- хужайрадан хужайрага, организмдан организмга белгиларни узатиш ва бошқалар.

Шунинг учун фойдаланилаётган соҳага боғлиқ ҳолда, ахборот иқтисодий техник юридик биологик ва бошқа хил кўринишда бўлиши мумкин.

Иқтисодий ахборот — бу жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларини характерловчи ахборотлардир.

Унга иқтисодий тизимларда айланиб турадиган маълумотлар, яъни ишлаб чиқариш жараёнлари, моддий ресурслар, ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнлари, молиявий жараёнлар ҳақидаги ҳамда бошқаришнинг турли тизимларида ўзаро алмашиб турадиган ва иқтисодий характерга эга бўлган маълумотлар кирази. Бошқаришнинг умумий назариясига мос равишда, бошқариш жараёнини ўзаро бир-бирига таъсир қилувчи икки тизим (яъни бошқарувчи ва бошқарилувчи) сифатида тасвирлаш мумкин

Бошқарувчи тизимнинг вазифаси бошқарилувчи тизим учун шундай таъсирни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу уни бошқариш мақсадида кўрсатилган ҳолатни эғаллашга мажбур этсин.

Шу нарса равшанки, режалар ва тескари алоқа мазмуни-ахборотдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун ҳам бошқарувчи таъсирларини шакллантириш жараёни иқтисодий ахборотларни алмаштириш жараёнидан иборат. Бу

жараёнларни амалга ошириш бошқарув хизматининг асосий мазмунини ташкил этади.

Иқтисодий ахборотларга қуйидаги талаблар қўйилади: аниқлик шончилиқ тезкорлик.

Аниқлик ахборотни ҳамма фойдаланувчилар томонидан бир хил қабул қилинишини таъминлайди.

Ишончилиқ тизим ишлаш самарадорлигини сақлаб турганида кирувчи ва натижавий ахборотнинг ўзгариши мумкин бўлган чегараларини аниқлайди.

Тезкорлик шароит ўзгарганда зарур ҳисоблашлар ва қабул қилинаётган қарор учун ахборотнинг долзарблигини кўрсатади.

Иқтисодий ахборотнинг турлари. Иқтисодий ахборотни қуйидаги асосий белгилар бўйича таснифлаш қабул қилинган:

- а) бошқарув функцияси;
- б) пайдо бўлиш жойи (бошқарувнинг потонаси)

Бошқарувнинг функцияси бўйича иқтисодий ахборот қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- режага, қайд қилишга оид ахборот;
- меъёрга, ёрдамчи маълумотларга оид ахборот;
- ҳисобот-статистикага оид ахборот.

Иқтисодий ахборотнинг бошқарув поғонаси (пайдо бўлиш жойи) бўйича таснифлаш, уни кириш ва чиқиш ахборотларига ажратиш тушунилади.

Кириш ахбороти - бу корхонага (тузилманинг бўлинмасига) ташқаридан келадиган ахборот бўлиб, ундан иқтисодий ва бошқарув функцияларини амалга ошириш, ҳамда бошқарув масалаларини ҳал қилиш учун бирламчи (бошланкич) ахборот сифатида фойдаланилади.

Чиқиш ахбороти - бу бир бошқарув тизимидан бошқасига кирадиган ахборот. Бир ахборотнинг узи ундан фойдаланувчи бир тузилмавий бўлинма учун кириш ахбороти бўлса, уни тайёрлаган бошқа бўлинма учун эса чиқдиш ахбороти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5.2. Бошқарувда фойдаланиладиган ахборотнинг ўзига хослиги

Хозирги даврда инсон фаолиятининг турли соҳалари ичида узининг муҳимлиги билан ажралиб турувчи соҳа - бу ташкилий, яъни ишлаб чиқариш ва хўжалик ҳамда ижтимоий жараёнларни бошқарув соҳасидир. Бусиз барча соҳаларда фаолият юригиб бўлмайди.

Бошқарув ахбороти жараён ҳисобланиб, тизимлар ҳолатини қандай ўзгаришига қараб қуйилган мақсадга эришиш учун етакчи йуналишдир.

Ахборотлар назариясида ва кибернетикада ахборот тушунчаси билан ҳамма хабарларни эмас, балки объектни қўшимча таҳлил қилиш ёки урганиш жараёнида олдин олинмаган маълумотлар тушунилади. .

Ҳар бир ахборот узининг кўринишига қараб ишлов бериш технологиясига эга. Ахборот узининг кўринишига қараб "маълумот" деб номланади.

Ахборотнинг статистик ҳолатига қараб, узоқ ва яқин муддатли ахборотлар фондида ёки маълумотлар базасида йиғилади ва сақланади.

Маълумотлар базаси (МБ) - муайян соҳадаги масалаларни аниқ қоида бўйича ечиш учун зарурий маълумотлар тупламидир.

Ахборотнинг юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятлари автоматик ишлов бериш тизимини яратиш жараёнида уни диққат билан прогматик синтактик ва семантик таҳлил қилишда қаралади.

Синтактик таҳлил - ахборотни йиғаш за сақлаш, шплов бериш, узатиш, қайд этиш, жамлашнинг техник воситалари мажмуасини танлаш учун зарурий, микдорий тавсифларни уз ичига олган ахборотлар олишини муҳим параметрларини урнатади.

Семантик таҳлил - ахборотнинг . алоҳида унсурлари мазмунини тафаккур (фикрий) нуктаи-назардан урганиш имконини беради.

Прогматик таҳлил - бошқарув учун фойдаланилган ахборотларни аниқлашда кулланилади.

Иқтисодий ахборот (ИА)нинг яна бир характерли хусусияти ахборотларни такрорланувчанлигидир. Бир қанча ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнлари,

яъни бу жараёнларни узида акс эттирувчи ахборотлар такрорланиш босқичлари билан тавсифланади, ИАнинг такрорланувчанлигини кулайлиги шундан иборатки, бир марта яратилган дастурдан бир неча марта фойдаланиш мумкинлигидир. Бу эса маълумотларга ишлов беришни автоматлаштириш лойиҳасини сезиларли даражада ихчамлаштиради.

ИА мазмун жихатдан бўлинмас характерга эга бўлиб, энг оддий бўлинмас бирлиги реквизит дейилади. Реквизитдан иқтисодий жараёнларда ахборот ташувчи сифатда фойдаланилади. Реквизит сузининг синоними куйидагилардан, яъни суз, маълумотлар унсури (элемент), белгилардан (атрибутдан) иборат бўлиб, иқтисодий ахборот хажмини аниқдашда ва ахборот тизимини тавсифлашда ўлчов бирлиги сифатида фойдаланилади.

Реквизитлар икки хил кўринишга эга бўлиб, улар реквизит-белги ва реквизит асосларга бўлинади. Реквизит-белгилар тавсифланаётган объект, ходиса, жараёнларнинг хоссаларини сифат жихатидан ифодалайди.

Реквизит-асослар улчамнинг муайян бирликларида эса

объект, ходиса жараёнлари ҳақидаги маълумотининг микдорий тавсифи катталикларини узида ифодалайди.

Реквизит-белгилар билан реквизит-асослар бир-бири билан қўшилиб келганда иқтисодий маъно касб этувчи кўрсаткич деб аталади.

Ахборот тизимига киритилган маълумотлар кирувчи ахборотлар дейилади, Ахборот тизимда киритилган ахборотга ишлов берилгандан сунг янги натижавий ахборот ҳосил бўлади. Ахборот тизимга ишлов бериш учун дастлаб киритилган маълумотлар бошлангач ахборотлар дейилади. Агар маълумотлар ахборот тизимга бошқарув объектидан кфитилган бўлса, бу ахборот ички кирувчи ахборот дейилади. Агар ахборот ташқи оламдан ташкилотдан киритилса, ташқаридан кирувчи ахборот дейилади. Ички кирувчи ахборот корхона учун бошлангач ахборот дейилади. Бу ахборот хўжалик операцияларини дастлабки ҳисобга олиш жараёнида яъни бошқрув

объектини ишлаб чиқариш давридаги фаолиятининг ўзгариши ва маълумотларини ҳисобга олишда ҳосил бўлади.

Машинали ахборот тизимини яратишда асосан доимий ва ўзгарувчан иқтисодий ахборотлар билан ишлашга турри келади. Доимий иқтисодий ахборотлар вақтнинг маълум бир (узоқ ва киска) даврида ўзгармайди ёки жуда кам ўзгаради.

5.3. Ахборот технологияси ҳақида тушунча ва иқтисодий ахборотларга ишлов бериш тартиблари

Иқтисодиётни бошқаришда ахборот тизимини яратиш ва ишлатиш ахборот технологиясининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Ахборот технологияси (АТ)-ахборотга ишлов бериш, узатиш, излаш, саклаш ҳамда йиғишнинг усул ва услубларининг тизимидир. АТ илмий фан сифатида информатиканинг предмета бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқаришни, илмий тадқиқот ва инсон фаолиятининг шунга ўхшаш соҳаларини бошқариш ва тартибга солиш амалиётини,индустриал даражага кўтаришни таъминлайди. АТнинг бошқа турли хил муҳандислик технологиясидан фарқли томони шундан иборатки, АТси турли хил кўринишлардаги технологияларни умумлаштириш имконини беради. Ҳаётда у ишлов берадиган ахборотларни турли соҳаларда учратиш мумкин. Улар умумий эҳтиёжга мос ҳолда тадбиқ этиш ва тажибаларни жамлаш учун танлаб олинади. Бу ерда гап ЭҲМни технологик тадбиқи ва бошқарувчининг турли техник воситалари ҳақида бораяпти. Ҳар бир технология каби индустриал ахборот технологияси ҳам маълум бир моддий воситалар (ахборотни ташувчилар, унинг ҳолатини, ўлчашнинг техник воситаси, ишлов бериш, узатиш ва ҳ.к.) тўпламини, уларнинг узаро таъсирини, маълум бир усуллар тўпламини, ишни ташкил этувчи мутахассисларини ўз ичига олади.

Ахборот технологияси иқтисодий масалани ечишда қуйидаги муҳим амалларни, жумладан маълум бир вақт мобайнида ахборотни йиғиш ва рўйхатга олиш, ишлов бериш жойига узатиш, маълумотларни машина

тилида кодлаш, сакдаш ва излаш, ахборотларни қўшимча нусха билан кўпайтириш (тиражини ошириш), ахборотдан фойдаланиш, яъни қарор қабул қилиш ва бошқарув таъсирини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Одатда ИА мавжуд (аммо, айрим ҳолларда баъзи бир процедуралар қатнашмаслиги ҳам мумкин) алмаштириш процедуралари ёрдамидан фойдаланиб амалга оширилади. Улардан фойдаланиш кетма-кетлиги катъий тартибда бўлмайди, яъни баъзи бир процедуралар такрорланиши ҳам мумкин. Алмаштириш процедураларининг таркиби ва уларнинг бажарилишини ўзига хослиги кўп ҳолларда ахборотларга автоматлаштирилган ишлов берувчи иқтисодий объектга боғлиқ бўлади. Ахборотларга ишлов беришнинг асосий процедуралари қуйидагилардан иборат.

Ахборотни йиғиш ва рўйхатга олиш. Бу амал ҳар-хил иқтисодий объектларда турлича бўлади. Саноат корхоналари, фирмалар ва ҳоказолардаги автоматлаштирилган бошқарув жараёнида, объектларнинг хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини тасвирловчи дастлаб бошланғич ахборотларни рўйхатга олиш ва йиғиш бирмунча мураккаб. Бунда бошланғич маълумотларни ўз вақтида тўлиқ ва ишончли шаклда етказиш алоҳида аҳамиятга эга. Корхоналарда ахборотларни йиғиш ва рўйхатга олиш асосан турли хил хўжалик ишлари (тайёр маҳсулотни қабул қилиш, материалларни қабул қилиш ва жўнатиш ва ҳоказолар) бажарганда амалга оширилади. Дастлаб ахборотни йиғадилар сўнгра эса уни рўйхатга оладилар. Ҳисобга олинган маълумотлари ишлов бериш ва маҳсулотлар сонини санаш натижасида, яроксизлари аникланиб ҳисобга олинган маълумотлар ва шу кабилар ҳар бир иш жойида пайдо бўлади. Ҳақий ахборотларни йиғишда маҳсулотларнинг миқдорини ўлчаш, вақт ва миқдорий характеристикаларини аниклашга тўғри келади. Одатда ахборотларни йиғиш, уларни рўйхатга олиш билан бирга амалга оширилади.

Бошланғич маълумотларни ҳужжатларда кайд қилиш асосан қўлда бажарилганлиги учун, ахборотларни йиғиш ва рўйхатга олиш ҳозирча бир мунча машаққатли иш бўлиб қолмоқда. Ахборотларни йиғиш ва ҳисобга

олиш амаллари, одатда иш жойида, уларга ишлов бериш эса, автоматлашган иш жойида ёки ҳисоблаш марказида амалга оширилади. Ҳар-хил иқтисодий объектлар учун иқтисодий ахборотларни узатиш вақти турличадир.

Ахборотларни узатиш турли хил усулларда, яъни хабарчи ёрдамида почта орқали, транспорт воситалари ёрдамида алоқа тармоғидан узоқ масофага узатиш ёрдамида амалга оширилади. Алоқа тармоғи бўйича узоқ масофага узатиш усулида маълумотларни узатиш: вақтини сезиларли даражада камайтиради. Бунинг учун махсус техника воситалари мавжуд. Ахборотларни йиғиш ва ҳисобга олишнинг техник воситалари иш жойида ўрнатилган датчиклар ёрдамида ахборотларни автоматик равишда йиғади, ҳамда ЭХМга узатади.

Узоқ масофага ахборот узатиш ҳам бошланғич ахборот сифатида пайдо бўлган жойидан ҳам натижавий ахборот сифатида тескари йўналишда жўнатилади. Бундай ҳолда натижавий ахборотлар турли қурилмаларда, яъни дисплей, табло, чоп этувчи қурилмаларда акс эттирилади. Ишлов бериш марказига алоқа тармоғи бўйича ахборотнинг келиши асосан икки хил усулда амалга оширилади: машинанинг ахборот ташувчилари ёрдамида; ёки бевосита ЭХМга уланган махсус аппарат ва дастурий воситалар ёрдамида уланган.

Ахборотларни узоқ масофага узатиш усули доимо такомиллашиб ва ривожланиб боради. Бу усул кўп поғонали ва кўптармокли тизимларда муҳим аҳамиятга эга. Бунда ахборотни бошқарувнинг бир поғонасидан иккинчисига ўтказиш тезлашади, ҳамда маълумотларга ишлов беришнинг умумий вақти қисқаради.

Машинали ташувчига ёзилган ахборотларни ЭХМда қабул қилинган кодларга ўтказиш процедураси машинавий кодлаш дейилади.

Ахборотларни бундай кодлаш ҳужжатлардаги бошланғич маълумотларни магнит дискларига узатиш йўли орқали амалга оширилади. Сўнгра ахборотга ишлов бериш учун ЭХМга киритилади.

ИАви йиғиш ва саклаш. Бу жараён бошланғич маълумотларни тезда, уларга ишлов бергунга қадар тартиблаш ва доимий ахборот сифатида кўп бор улардан такрор фойдаланиш зарурлиги натижасида пайдо бўлган.

Ахборотларни сақлаш ахборот массиви кўринишида машина ахборот ташувчиларида амалга оширилади.

Маълумотларни қидириш - сақланаётган маълумотлардан зарур маълумотларни излаш жараёни бўлиб, у алмаштириш ёки тузатиш учун зарур маълумотларни қидиришни ҳам ўз ичига олади. Ахборотларни қидирув процедураси керакли ахборотга қўйилган сўров асосида бажарилади.

ЭХМда ИАга ишлов бериш, одатда марказлашган ҳолда, бошланғич ахборотлар пайдо бўлган жойларда эса кичик ЭХМда, мутахассисларнинг автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ) орқали амалга оширилади. Кичик ЭХМда ишлов беришда бошқаришнинг у ёки бу хизматлари (моддий-техник таъминот бўлими, бош технолог, ҳисобчилик, режалаштириш бўлимлари ва хаказо) мутахассисларнинг АИЖлари ташкиллаштирилади. Мутахассисларнинг АИЖлари функционал масалаларни ечиш учун ахборот массивлар) ва дастурий воситалар тўплами билан алоҳида ёки ҳисоблаш тармоғи орқали ишловчи ЭХМларни ҳам ўз ичига олади.

ШЭХМда ИА ишлов бериш машинанинг ҳамма қурилмалари тўлиқ тайёр бўлгандан сўнггина бажарилади. ШЭХМда ишни бажариш жараёни оператор ёки фойдаланувчи томонидан махсус дастурий ва техник воситаларга кўрсатмалар бериш асосида олиб борилади.

Дастлаб ишнинг бошланишидан олдин машинага дастур ва турли ахборот массивлари юкланади. Одатда уларнинг ҳар бирига олдин қандайдир натижавий кўрсаткични олиш учун ишлов берилади, сўнгга эса якуний кўрсаткичларни олиш учун массивлар бирлаштирилади.

ЭХМда ИАга ишлов беришда арифметик ва мантикий амаллардан фойдаланилади. ЭХМда, ахборотга ишлов беришнинг арифметик амаллари дастурда кўрсатилган ҳамма

математик амалларни ўз ичига олади. Мантикий амаллар массивдаги (бошланғич, оралик, доимий, ўзгарувчан) маълумотларни мос ҳолда тартибга солишни таъминлайди.

Бошқаришни ташкил этишнинг автоматлаштирилган тизимида қарор қабул қилиш, одатда мутахассислар томонидан техника воситаларсиз, аммо ШЭХМда олинган натижавий ахборотларни батафсил атрофлича таҳлил қилгандан сўнггина амалга оширилади. Қарор қабул қилишнинг мураккаб томони шундан иборатки, бунда мутахассислар берилган ечимлар тўпламидан мақбул бўлган, яъни ресурсларни тежаш ва улардан самарали фойдаланиш (вақт, меҳнат, материал ва ҳоказолар бўйича) имконига эга бўлган қарорларни қабул қилиши керак. ШЭХМ ва терминал қурилмасидан фойдаланиш бундай кийинчиликларни бартараф этишга кўмак беради ва шунинг билан бирга ҳисоблаш тизими билан фойдаланувчининг мулоқоти жараёнида энг қулай ечимни ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга босқичма-босқич ўтишни таъминлайди.

6-боб.Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича қўйилган асосий мақсад - бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги - бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Инсоннинг ҳамма фаол ҳаракати, яъни меҳнат жараёнида, дам олишда, уйда ҳамда спортдаги фаолиятини ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини қамраб олади. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тамойил ва усуллар асосида: бахтсиз ҳодисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган воситадир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги - бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

Ҳозирги вақтда инсон табиий, техник, иқтисодий ва бошқа ҳар хил хавф-хатарлар дунёсида ишлайди. Инсон ҳаёти ва меҳнати муҳофазаси уни ишлаб чиқаришдаги аҳволи, у билан боғлиқ масалаларни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазасининг асосий вазифаларидан бири ишловчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашдир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида замонавий техника ва технологияларни, микробиологик ва кимёвий моддалар етказиб беришни, чорва молларини катта мажмуаларга ва фермер хўжаликларига бирлаштиришни, иш жараёнларининг йириклашувини, деҳқончиликдаги ишларни оилавий пудрати асосида бажаришни, айрим меҳнат турларини ҳамда воситаларини ўзгартириб боришни ўз ичига олади.

Меҳнат хавфсизлиги – меҳнат шароитининг шундай ҳолатики, унда ишловчиларга хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири истисно қилинган. Ишлаб чиқариш шароитида инсонга жароҳат етказилиши

бу физикавий ва кимёвий хавфли ишлаб чиқариш омиллари борлигини билдиради.

Технологик жараёнларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари технологик ҳужжатларда кўрсатилган бўлиши шарт. Иш жойидан ташқарида бажараётганда хоналарни ва майдонларни танлашга катта эътибор қаратмоқ керак. Шунингдек, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлигини, ускуналарни тўғри жойлаштириш ва иш жойларини оқилона ташкил қилиш билангина таъминлаш мумкин. Материалларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини омборхоналарда сақлаганда, хавфли ишлаб чиқариш омилларининг содир бўлишидан ҳимояланиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» деб таъкидланган. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ишлашга рухсат этилган шахсларнинг физик имкониятларини ва меҳнат хусусиятларини ҳисобга олиш шарт. Хизмат қилувчи ходимлар бажараётган ишларига мувофиқ меҳнат хавфсизлиги бўйича касбий тайёргарликдан ўтган бўлиши лозим. Барча қишлоқ хўжалик машина ва механизмларига хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича ягона талаблар қўйилиши, ана шу талабларга мувофиқ қишлоқ хўжалик машина ва механизмларини бошқаришнинг асосий ричаглари ўнг қўл остига жойлашган бўлиши, ҳар қайси машинада товуш сигнали, орқани кўриш ойнаси, бурилиш ва тўхташ сигналлари бўлиши керак. Иш жараёнида машина ва механизмлардаги маҳкамланган жойлар бўшашади, тирқишлар катталашади, мой, сув ёки ёнилғи сиза бошлайди ва ҳоказолар. Шу боисдан пала-партиш кўрсатилган техник хизмат бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун, трактор юриш қисмининг маҳкамланган жойларини ўз вақтида текшириб ва таранглаб турилмаса, у ағдарилиб кетиши мумкин. Агар машина ишлаётган вақтда инсон ҳаёти ёки саломатлигига хавф соладиган нуқсон пайқалса, ишни дарҳол тўхтатиш

керак. Ҳар бир тракторчи, комбайнчи, техникани ишлатишдан олдин унинг техник ҳолатини текшириб кўриши керак. Трактор ва комбайнда ҳайдовчи асбобларининг тўла жамланмаси, биринчи ёрдам кўрсатиш учун аптечка, ичимлик сув солинган идиш, техникани ишлаб чиқарган завод томонидан берилган қўлланма бўлиши шарт.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида дала ишларининг қизғин палласида иш кунини 12 соатга узайтириш ва дала ишлари камайганда ёки қиш вақтида иш кунининг давом этишини 5 соатга қисқартиришга рухсат берилади, бунда фақат йил мобайнида иш вақтини жамлаб ҳисоблашга риоя қилинади. Ҳамма ишчи, хизматчи ва ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи, ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътилини бериши лозим. Бунинг учун корхона билан олдиндан меҳнат шартномаларини келишган ҳолда тузиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-113 моддаларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш учун меҳнат шартномалари тузиш ва қишлоқ хўжалик корхоналари олдига қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилган:

- Хавфсиз ва соғлом иш шароитларини таъминлаш;
- Касб касалликларини огоҳлантирувчи замонавий хавфсизлик техника воситаларини татбиқ этиш;
- Ишчи ва хизматчиларни бепул ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
- Тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказиб туриш;
- Йўриқномалар билан ўз вақтида таништириб бориш;
- Меҳнатга яраша рағбатлантириш;
- Вояга етмаган ёшларни оғир ишларга жалб этмаслик ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат шароитларининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга, яъни меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Малакавий битирув ишининг объекти сифатида Сурхондарё вилояти, Қизирик туман фермер хўжаликлари уюшмаси олинди. Туман фермер хўжаликларида пахта хом-ашёсини етиштириш рентабеллигини ошириш мақсадида биз ушбу мавзунини танлаб унинг 2009, 2010 ва 2011 йиллардаги ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиб таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни қилдик.

2009 – йилда фермер хўжаликда асосий тармоқ пахта бўлиб жами ер майдони 79,4 га нинг 38,4 га ёки 48,4% ни, ғалла 40,3 га ёки 35 % ни ташқил этган.

2010-йилда эса ғалла 35 га ёки 37% ни ташқил этган. Пахта экин майдони эса 2010 йилда 50,7 га ёки 53,5 % ни ташқил этган. 2011 йил 2009 йилга нисбатан ғалла экин майдонлари 3 га ёки 109,4% га ошган. Пахта эса 12,3 га ёки 132 % га ортган.

фермер хўжалигида 2011 йилда 2010 йилга нисбатан умумий ер майдони ўзгармаган. Кўп йиллик кўчатзорлар 4 га ёки 100%, сув ҳавзалари 0.3 га ёки 100 % булганлигини кўришимиз мумкин.

2009 йилда 165,5 тонна пахта етиштирган бўлса 2011 йилда 257,05 тонна пахта етиштирган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 91,545 тонна ёки 155,3 % кўп маҳсулот етиштирган.

2009 йилда 134,4 тонна ғалла етиштирган бўлса 2011 йилда 152,25 тонна ғалла етиштирган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 17,85 тонна ёки 113,3 % кўп маҳсулот етиштирган.

Пахта бўйича экин майдони 2009 йилда 38,4 га.ни , 2010 ва 2011 йилда 50,7 га.ни ташқил этиб 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 12,3 га ёки 132 % га ўзгарган. Ғаллата бўйича экин майдони 2009 йилда 32 га.ни , 2010 ва 2011 йилда 35 га.ни ташқил этиб 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 3 га ёки 109,4 % га ошган.

2009 йилда пахтанинг ҳосилдорлиги 43,1 ц/га ни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 50,7 ц/га ни ташкил этган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 7,6 ц/га ёки 117,6 % кўпайган.

Фермер хўжалигида 2009 йил 17 нафар ишчи ходим ишдаган бўлса, 2010 йилда 18 нафар, 2011 йилда 18 нафар бўлган. 2011 йил 2009 йилга нисбатан 1 нафарга ёки 105,9 % га ошган.

Фермер хўжалигида ялпи маҳсулот қиймати 2011 йил 2009 йилга нисбатан 58,3 млн. сўмга ёки 166,4 фоизга ошган бўлса, жами харажатлар 41.5 млн. сўмга ёки 152.3 фоизга ошган. Ваҳоланки фойда эса 16.7 млн. сўмга ёки 302.2 фоизга ошган. Рентабеллик кўрсаткичи 2011 йил 2009 йилга нисбатан 10.3 пунктга ошган.

1 гектар пахта экин майдони ҳисобига 2010 йил 2009 йилга нисбатан даромад 594.9 минг сўмга ёки 126 фоизга, харажатлар сарфи 317.2 минг сўмга ёки 115.3 фоизга ошган бўлиб, мос равишда 1 га пахта экин майдон ҳисобига олинган фойда ҳам 277.7 минг сўмга ёки 228.9 фоизга ошган. Бунинг натижасида сотилган пахта рентабеллиги 10.3 пунктга кўпайган.

Фермер хўжалигида пахтани сотиш рентабеллигини ошириш имкониятлари бўлиб, сотилган пахта бўйича харажатлар даражасини пасайтириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига уртача сотиш баҳоси даражасини кескин кутариш ҳисобланади.

Пахта таннархини харажат моддалари бўйича таққослама таҳлилини ўрганганимизда, жами пахтачилик ишлаб чиқариш харажатлари 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 41525,7 м. сўмга ёки 152,3 фоизга ошган. Бу кўпайиш 2011 йилда меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга 41129,01 м. сўмга ёки 160,6 фоизга, минерал угитлар 16209,67 минг сўмга ёки 152,3 %, чигит харажатларини 10403,2 м. сўмга ёки 152,3 фоизга, ёқилғи ва мойлаш материаллари харажатларини 2963708 м. сўмга ёки 171 фоизга, соликлар 9193,5 м. сўмга ёки 164,4 фоизга, умум ишлаб чиқариш харажатлари 4717,7 м. сўмга ёки 152,3 фоизга ошиши ҳисобига бўлган.

Таклифлар:

Фермер хўжаликларида пахта етиштириш рентабеллигини оширишнинг асосий йўллари деб қуйидагиларни ҳисоблаш мумкин:

-материаллар сарфи меъёрларини қайта кўриш ҳисобига пахта етиштириш таннаrxини пасайтириш;

-махаллий ўғитлардан фойдаланиш даражасини ошириш;

-минерал ўғитлар сарфини меъёридан оширмасликни таъминлаш;

-ишлатиладиган ресурслар нархларини пасайтириш имкониятларини топиш;

-ишчиларни меҳнатга бўлган муносабатини, моддий рағбатлантириш ҳисобига ошириш ;

-қўл меҳнатини ,механизациялаштириш ҳисобига камайтириш ;

-фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларни тугатиш;

-мавсўмий ишларга меҳнатга лаёқатли кишиларни жалб этиш ва уларни моддий рағбатлантириш;

-ҳисоб ва ҳисобатларни тайёрлашда ЭХМдан кенг фойдаланиш ва шу соҳа бўйича ёш мутахасисларни ишга таклиф этиш;

-бошқарув жараёнида ахборот технологияларни қўллаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I.Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т: Ўзбекистон, 2009.- 48б
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида. 1993 йил 6 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида. –Т.: Шарқ, 1993.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Меҳнат Кодекси. 1995 йил 21 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Фермер хужалиги тўғрисида (янги таҳрири). 2004 йил 30 апрель.

II.Ўзбекистон Республикаси Президент Ислон Каримовнинг Фармон ва Қарорлари

6. Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2011 йил 11 апрель (<http://www.press-service.uz/uz/news/>)

III.Ўзбекистон Республикаси Президент Ислон Каримовнинг асарлари ва маърузалари.

- 7.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи.-Тошкент, 2012 йил 20 январь.

- 8.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.- Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.

- 9.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби //Халқ сўзи.-Тошкент, 2009 йил 14 февраль.

10.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.– Т:Маънавият, 2008 , 176- б.

12.Каримов И.А.Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011. - 48 б.

IV. Дарслик, ўқув қуланма, монография ва илмий мақолалар

13.Алимов Р.Х., Бегалов В.А. ва бошқ. Иқтисодиётда ахборот технологиялари. Ўқув қуланма. - Т.: ЎЁУ Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.- 184б.

14.Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари учун дарслик / С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов, Х.С.Лутфуллаев ва б.; С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида.-Тошкент: Шарқ, 2000. – 592 б.

15.Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологилари.Ўқув қўлланма.Академик С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида.-Т.:Шарқ, 2004. -320 б.

16.Алиқулов А.И. Пахта таннархи // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги .- Тошкент, 2009 .-№ 12.-Б. 25 .

17.Алиқулов А.И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулот таннархини пасайтириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент ,2009.-№11.-Б. 31-32.

18.Аралов Х. Дехқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2010.- № 2.-Б. 27-28 .

19.Ғойибов Х.Э. Меҳнат муҳофазаси. – Т.: Меҳнат, 2000 .

20. Давлат статистика ҳисоботи. 1-фермер шакли. Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот. 2009-2010 йиллар.

21. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. – Т.: «Истиклол». 2004.

22. Информатика ва ахборот технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик / С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов ва б. С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДИУ, 2010. – 765 б.

23. Исмоилов А.А, О.Қ. Рихсибоев. Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башоратлаш. –Т.: ТДИУ, 2007. -335 б.

24. Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти: Олий ўқув юртлари учун дарслик.- Т.: Молия, 2005.- 412 б.

25. Нурходжаев А.Қ., Шожалилов Ш.Ш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.-Т.:2010 . -116 б.

26. Қудратов Т., Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. – Самарқанд: Н-Доба, 2010. – 271 б.

27. Лутфуллаев Х.С., Абдуғаффоров А., Мирзаев Н. Иқтисодиётда ахборот технологияси ва тизимлари. -Т.:ТДИУ, 2001. -196 б.

28. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И.. Иқтисодий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.

29. Рўзиев З.Ш. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири). Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари ва тармоқни ривожлантириш ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларни оптималлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги. Фермер хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш (Самарқанд: Ҳокимлар семинари, Маъруза матни., 2010.

30. Урдушев Х, Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. -Самарқанд: СамҚХИ, 2002. -160 б.

31. Шодиев Т.Ш., Ҳакимов Т.Х. ва бошқ. Эконометрика, ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. –187 б.

Интернет ахборот ресурслари

32.[http://prezident.uz/uz/content/glava_gosudarstva/knigi/-](http://prezident.uz/uz/content/glava_gosudarstva/knigi/)

ЎзР

Президентининг матбуот хизматининг сайти;

33.www.ziynet.uz-ахборот–Таълим портали;

34.www.mineconomy.uz - ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги сайти;

35.www.agro.uz –ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти;

36.www.edu.uz- ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти

37.www.stat.uz –ЎзР Давлат статистика қўмитаси сайти;

38.<http://agriculture.uz/index.php>-Фермерлар учун портал

39.www.lex.uz ЎзР адлия Вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази сайти.